Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 10 июль 1969 йил, пайшанба ● № 159 (14.322). ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш учун агротехниканинг барча тадбирларини бир-бирига боғлаб, маро мида амалга оширинг ■ *Экинни суғоришга айниқса алоҳида эътибор беринг* ■ Ҳамма пайкаллардаги ғўза саратон сувига мириқиб қонсин, баҳра олиб ўссин ■ Ғўза тупларида кўплаб шона ва гул сақлаб қолиш мақсадида суғоришни тўғри уюштиринг,

СУВЧИ

Ғўза — қуёш фарзанди. Ғўза ҳароратли, илиқ-иссиқ кунларни хуш кўради, офтобнинг сахий нурларидан тўйиб-тўйиб баҳра олиб, яйраб-яшнайди, ғуж-ғуж шоналайди, гулга киради, шода-шода кўсак тугади. Айниқса саратон қуёшининг тафтига мириққан ғўза гуллари кўсакка айланганида пахтаси барвақт очилади, толалари пишиқ ва сифатли, чигити сермағиз бўлади, биринчи сортларга қабул қилинади. Ҳа, ҳозирги ҳар бир гул август ойидаги 3-4 та гулдан ҳам афзал. Негаки, июль ойида гуллаган ғўзанинг кўсаклари бўлиқ, пахтаси тарози босадиган бўлиб етилади.

Табиийки, пахтанинг етилиб пишиши учун биргина қуёшнинг ўзи кифоя қилмайди. Ғўза учун сув ҳозирги пайтда ҳамма нарсадан ҳам зарур. Чунки, ҳаво исигани сари ғўзанинг сувга бўлган талаби ортиб боради. Тупроқда нам етарли бўлмаса, ўсимлик иссиқлиқдан, айниқса ердаги озуқа моддаларидан яхши баҳраманд бўла олмайди. Бинобарин, ғўзалар шохлаб ва илдизлари ёйилиб ўса олмайди. Сув — ғўзанинг қони-жони, малҳами деганларининг ҳам бонси ана шунда!

Сув экиннинг қон томири бўлса, сувчи — ғўзани яшнатувчи, ҳосил яратувчи оқилиқор деҳқондир. Сувчи — пахтадан олтин тоғлар тиклаш йўлида вақт-соатини, меҳнатини, ҳузур-ҳаловатини, ғайратшижоатини аямай меҳнат қиладиган қайноқ қалб эгаси — дала посбонидир. Сувчи — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи миришкор киши. У тунлари ҳам минока қоғоғай эгат оралайди. Ҳар туп ғўзанинг пахтасор бўлиб эринчай одимлаб мириқиб сув ичишини кузатиб, юради.

Сувчи ғўзанинг ўсиш, ҳосилга кириш даврларини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Қайси пайкалдаги ғўза қандай ўсяпти, қайси участкадаги ғўза сувга муҳтож ва муҳтож эмаслигини бир қарашдаёқ пайқаб олади. У ернинг шароитини, ғўзанинг озуқага бўлган талабини, қатор ораларини культивация қилиш муддатларини яхши сезади. Сувчини дала посбони, мўл ҳосил етиштирувчи дейишлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Бу йил мамлакатга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш иштиёқи билан нафас олаётган республикамиз меҳнаткашлари шу кеча-кундузда июлни ҳосил тўплаш ойи деб эълон қилиб, ғўза парваришини ҳар қачонгидан ҳам қизғин ўюштирдилар. Мўл ҳосил тўплашда неча ўн минглаб сувчиларимизнинг ҳиммати баланд бўлаётир.

Чуст районидаги Энгельс номли колхозда ғўзалар группа усулида суғорилаяпти. Авазали Қобилов, Ёндош Мўминов ўртоқлар бошлиқ группаларнинг иш тажрибасини ҳар қанча ўрганса, оммалаштирса арзийди. Бу ерда тупроқда ҳаво алмашиш жараёнини тезлаштириш мақсадида эгатлар калта қилиб олинмоқда ва ғўза группа усулида суғорилмоқда.

Суғоришни Чуст районидаги Энгельс номли колхоз миришкорлари каби тўғри ва яхши ташкил этган хўжаликлар республикамизда оз эмас. Афсуски, шу кунларда ҳамма жойда ҳам ғўзалар обитобида қондириб суғорилаётир, деб бўлмайди. Андижон районидаги Киров номли колхознинг айрим бригадаларида ғўзалар ўз вақтида суғорилмаганлиги оқибатида бир неча гектар майдондаги ўсимлик ўсмасдан қолган. Колхознинг Фозилжон Ҳошев бошлиқ бригадасида икки гектар майдондаги ғўза сувсизликдан қовжираб қолиш ҳолига келган. Бухоро областининг Вобкент, Навоий, Бухоро ва бошқа районларида ҳам суғориш қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Баъзи хўжаликларда ғўза ёппасига бостириб суғориляптики, бунга сира тоқат қилиб бўлмайди.

Кўп йиллик тажриба ва мутахассисларнинг маслаҳатларига қараганда, шу кеча-кундузда ғўзани тўғри суғориш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ғўза тез-тез суғорилса, тупроқнинг устки ва остки қатламлари тез қуриб қолади, пайкалларда катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ғўза илдизлари узилади. Бундай пайкал орадан кўп вақт ўтмай, яна сув талаб қилади.

Ғўза гуллаш ва кўсаклаш пайтида ёппасига бостириб суғорилса, тупроқ жуда қотиб кетади, натижада ердаги намнинг бир қисми бекорга бугланади. Бунинг учун ғўзаларни чуқур эгатлардан сувни жилдиратиб оқизиб суғориш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги кузатишлар шуни кўрсатадики, республикамиз хўжаликларида ғўза ўтган йилдагига нисбатан бир оз кечикиб ривожланмоқда. Бунинг ўрнини ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, вақтида суғориб, озиқлантириш йўли билан тўлдириш мумкин. Ер ости сувлари чуқур жойлашган далаларда ғўзани июль ойида ҳар 14-15 кунда, августда эса 16-18 кунда суғориб туриш талаб этилади. Агар ер ости сувлари 2-3 метр чуқурлиқда жойлашган бўлса, ғўзаларни июлда 16-18 кунда, августда 18-20 кунда суғориш лозим.

Июль — ёз фаслининг энг иссиқ, ҳароратли ойидир. Ҳаво соат сайин қизиётган, ҳарорат кундан-кунга кўтарилмоқда. Бундай даҳшатли ҳароратда сув қўплаб бугланиб кетади. Бунинг устига сув у ёқдан ёки бу ёқдан ҳадеб ўтказилаверса, у ариқларда ортиқча оқиб, ерга кўплаб сингади. Оқибатда сув тагин ҳам камайиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун дастлаввал сувга ташна бўлган майдонлардаги ғўзалар суғоришнинг зарур.

Ғўзани тунда суғоришнинг аҳамияти катта. Кечалари сувчиларнинг иши унумли бўлади, ариқлардаги, эгатлардаги сув кўп бугланмайди, ғўза туплари обиҳаётдан яхши баҳраманд бўлади. Шуни ҳисобга олиб, тунда сув тутадиган ишларга алоҳида аҳамиятли қилиш, уларнинг унумли ишлаши учун етарли шароит яратиб бериш — шу кунларнинг энг муҳим ва асосий вазифаларидан бири бўлмоғи керак.

Тўрт миллион юз минг тонналик осмонўпар хирмонимиз учун нурашнинг энг долзарб давлари келди. Илгорлар июлни зарбдор ой деб эълон қилишди ва ғўза парваришини янада кучайтириб юборишди, Ҳосил посбонлари ўлкан хирмонларимизни яратувчи сувчиларимиз енг шимариб, зўр ғайрат билан ишлаб, ҳар туп ғўзани ҳаёт сувига қондиришяпти, юқори ҳосил учун курашнинг олдинги сафида боришяпти. Уларни қўллаб-қувватлаш, уларга мадад бериш, рағбатлантириб туриш, илғор тажрибаларни кенг ёйиб, умумий юксалишга эришишини таъминлаш барча партия, совет, хўжалик органларининг жанговар бурчидир.

Кремлдаги музокаралар

8 июлда Кремлда Германия Демократик Республикасининг расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган партия — ҳукумат делегацияси билан музокаралар давом этди.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Музокараларда Германия Демократик Республикаси томонидан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Секретари Э. Хонеккер, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг, ГДР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари, ГДР Халқ палатасининг раиси, Христиан-демократик союзининг раиси Г. Геттинг ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакатни ривожлантириш ва уларнинг узоқ даврга мўлжалланган ҳамкорлигига доир актуал масалалар, шунингдек ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемаларини муҳокама қилиш давом этди. Музокаралар бирлик, қардошларча дўстлик, ишонч ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг давлат бошлиғи ва Бош Министри Нуриддин Атаси бошчилигидаги Сурия Араб Республикасининг партия-давлат делегацияси 9 июль эрталаб Тошкентдан Бокуга жўнаб кетди.

Тошкент аэропорти Сурия Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган эди. Нуриддин Атаси ва унинг ҳамроҳларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Курбонов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯЛАРИДА

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг 8 июлда Кремлда Иттифоқ Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси М. С. Соломенцев раислигида қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг аҳлоқ тузатиш ва меҳнат қонунлари асосларининг, дастлабки тартибда қамоқда сақлаб туриш тўғрисидаги низомнинг ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунлари асосларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида СССР қонунининг лойиҳалари ҳақида Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси Р. Нишоновнинг ахбороти тингланди. Шу қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар туғалланганлиги сабабли комиссиялар мазкур қонун лойиҳаларини СССР Олий Советига кўриб чиқиш учун ҳавола қилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари «Гражданларнинг таклифларини, аризаларини ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йил 12 апрелдаги Фармонини СССРнинг айрим министрликлари қандай бажараётганлиги масаласини ҳам муҳокама қилдилар. Шу масала юзасидан сўзга чиққан йўллар министри Б. П. Бешчев ва граждан авиацияси министри Е. Ф. Логинов мазкур Фармонни бажариш борасида министрликлар томонидан қилинган ишлар тўғрисида комиссияларга батафсил ахборот беришди.

Шу масаланинг муҳокама қилиниши фармон қабул қилинганидан кейин мазкур министрликларда ва уларнинг жойлардаги органларида гражданларнинг таклифларини, аризаларини ва шикоятларини кўриб чиқиш ишн яхшиланганлигини кўрсатди. Хатларнинг кўпчилиги белгиланган муддатларда кўриб чиқиладиган бўлиб қолди, гражданлар қилган мурожаатларига ҳар сафаргидек қониқарли жавоб олмоқдалар, гражданларнинг қайта-қайта мурожаат қилишлари бирмунча камайди. Гражданларни шахсан қабул қилиш анча мунтазамроқ ва уюшқоқлик билан ўтказиладиган бўлиб қолди. Шу билан бир қаторда гражданларнинг таклифларини, аризаларини ва шикоятларини кўриб чиқиш борасида министрликларнинг ишида бир қанча камчиликлар борлиги қайд қилинди, шу муносабат билан комиссиялар янги тавсияномаларни қабул қилдилар.

Мажлисда комиссияларнинг кундалик ишларига доир масалалар кўриб чиқилди. (ТАСС).

ҚОРАҚИШЛОҚ ДОНИ

Ғаллаорол дон ҳазинаси бўлса, Қорақишлоқ унинг дебочаси. Қорақишлоқнинг унумдор далаларида етиштирилаётган бошоқли, дон-дуккакли экинлар серунумлиги, қурғоқчиликка, совуққа чидамлилиги, зараркунандаларга бардошлиги билан шуҳрат қозонган. Энг муҳими — Қорақишлоқ буғдойи ва арпасининг сорти юқори бўлади, давлат стандартига айнан мос келади. Бу ерда ғаллачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам тез тараққий эттирилмоқда. Яйловларда минг-минглаб ҳисори қўйлар, гавмуш сигирлар, қорабайир отлар боқиладиган. Тирик вазни 250-280 килограммга етган тилла қўчқорларнинг ватани ҳам Қорақишлоқдир. Хуллас, Қорақишлоқ ғаллачилик ва чорвачилик бўйича ихтисослаштирилган тажриба намуна жойидир. Бу ерда Ватан ҳазинасини бойитадиган, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қиладиган маҳсулотларнинг ҳамма тури етиштирилади.

Қорақишлоқликларнинг 1969 йилги мажбуриятлари улкан. Улар доҳий В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейи арафасида 111 минг центнер дон, 600 тонна гўшт, 1700 тонна сут тайёрлашга аҳд қилишган. Бу — оғир, аммо бажариш мумкин бўлган шарафли вазифадир. Бошқа тармоқлар бўйича ҳам катта топшириқлар белгиланган.

Ғалла совхоз экономикасида етакчи ўрин тутади. Яқинда Қорақишлоқда бўлиб, ғалланинг ҳолати, ғаллакорлар ўз бурчини қандай ўтаётгани билан танишдик. Эътироф этиш керак, ҳаммада бир фикр, бир мақсад — ғаллани қисқа фурсатда ўриб-янчиб олиш, давлатга бир мавсумда икки план миқдорида дон сотишни таъминлаш! Ғаллакорлар табиий офатларни меҳнат билан енгиб, салкам 14 минг гектар майдонда ғалладан юқори ҳосил етиштирибди. Поёнсиз пайкалларда олтин бошоқлар денгиз тўлқинидек чайқалиб, кўзни қамаштиради. Комбайнчилар ғайрат отига минган. Йўл-йўлакай буғдой, арпа ортилган машиналарнинг кети узилмайди. Давлат буюртмасини бажариш учун қурашаётган миришкор деҳқонлар ўз мажбуриятларини ўринлаш, сараланган уруғлик, чорва моллари учун концентрат ғарамлаб олишни ҳам унутаётганлари йўқ. Ишнинг ташкил қилиниши шундан далолат бериб турибди.

Дастлабки таассуротларимиз шундай бўлди. Комбайнчилар, шоферлар, дон тозаловчилар, тележкачилар, торозибонлар билан суҳбатлашгач фикримиз тағин ҳам чуқурлашди. Ғаллакорлар бир йилда икки йиллик план миқдорида дон сотиш, бир грамм дон ва сомонни исроф қилмаслик учун астойдил ҳаракат қилаётганликларига камол ишондик.

— Давлатга икки планга теңг дон армуғон этамиз, — деди бўлим бошқарувчиси Турсунбой Сулаймонов.

Унинг гапида жон бор. 2600 гектар майдондаги буғдой ва арпа қийғос пишди. Ўрим шу бўлимдан бошланди. Дастлабки куни ўрилган ғалла, янчилган дон ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда гектарига 13 центнерданга тўғри келди. Бу кўзда тутилгандан 3 центнер кўп.

Абдужаббор Орифжонов бошчилик қилаётган бўлимнинг ғалла майдони 4.250 гектар. Табиий офат — қишдаги қаттиқ совуқ, баҳордаги устма-уст ёғингарчилик ўсимликни анча жароҳатлади. Лекин ғаллакорлар ҳам бўш келмади. Офат етказган зарарнинг ўрнини қоплаш учун кунни тунга улаб меҳнат қилди. Ғаллазорларда борона ўтказилди. Ўсимлик кўзга ташланиши билан озиқлантирилди, бегона ўтга қарши гербицид сепилди. Уруғи заҳарли ўтларнинг бош кўтаришига йўл қўйилмади. Катта майдонлардаги ўсимлик ёмғир суви билан суғорилди. Хуллас, ғаллакорлар кўп ва юқори сорт дон етиштириш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилди. Ҳосил ҳам шунга яраша мўл бўлди. Ҳозир ўрилаётган ғалла ерининг ҳар гектаридан 12 центнердан дон тушяпти.

Совхознинг ғаллазорлари қуйи ва юқори зонага бўлинади. Биз совхоз директори Тўлабой ака Умиров билан қуйи зонадаги ғаллазорларни айландик. Ҳамма жойда ижодий меҳнат мавж уряпти. Комбайнлар тўп-тўп бўлиб, группа усулида ғалла ўряпти. Усти тўсиқлар билан қопланган машиналар, тележкалар арпа ва буғдойни марказий хирмонга ташияпти. Дон ўша жойда тозалагич агрегатидан ўтказилиб, давлат омборига жўнатиляпти. Комбайнчилар билан хайрлашиб катта йўлга чиққач, бош агроном Эргаш Аҳмедовга дуч келдик. У юқори зонадаги яъни тоғ бағрига жойлашган ғаллачилик бўлимларидан қайтаётган экан.

— Комбайнларнинг иш унуми қалай? — сўрадик бош инженердан.

— Дастлабки куни 10 гектардан тўғри келди, — жавоб қилди у, — кеча тағин икки гектар кўтарилди. Эрта-индин 15 гектарга боради. Шунда мавжуд техника билан ўримни 22 иш кунида тўла тамомлаймиз.

Совхозда эллик учта комбайн бор. Ҳисоб-китобга қараганда комбайнлар ҳар куни белгиланган ўрим графигини бажарганда ҳам иш анча чўзилиб кетади. Ғалла ўрим-йиғими мувақкат иш бўлиб, тезкорликни ёқтиради, фурсатни чўзиш ҳосилнинг бир қисмини қўлдан бериш деган сўз. Совхоз маъмурияти ва партия комитети шуни ҳисобга олиб, комбайнлар ишини икки сменада ташкил қилди, иш соати узайтирилди. Комбайнчиларнинг самарали ишлашлари учун ҳамма шароит яратиб берилди. Улар иссиқ овқат, яхна чой билан таъминланади, иш ҳақи вақтида берилади, бош кунлик ўрим графигини ошириб бажарган кишилар рағбатлантирилади.

Дон — давлатга! Ғаллачилик билан боғлиқ бўлган кишиларнинг ҳаммаси шундай шиор остида меҳнат қиляпти. Комбайн бункеридан машиналарга ағдарилган дон ўн саккиз жойга ўрнатилган машиналарда тозаланяпти, сўнгра лаборатория анализидан ўтказилгач, давлат омборига жўнатиляпти. Хўжаликда учта катта марказий тарози ишлаяпти. Дон ортилган машиналарнинг бекор туриб қолиши бутунлай тугатилган.

Халқ контроли комитети ходимлари, жамоатчилик вакиллари ўрим-йиғимнинг бориши, ишда сон ва сифат устидан қаттиқ назорат олиб боряпти. Элликкa яқин киши ўз ишидан ажралмаган ҳолда дон ва сомоннинг жамғарилишини кузатиб, ғаллазорларни чорва моллар пайхон қилишига қарши қаттиқ кураш олиб боряпти. Бу соҳада комсомол-ёшлардан тузилган постлар айниқса самарали ишлаяпти.

Ғаллаорол районидаги «Қорақишлоқ» совхозининг филокор коллективи ҳалол меҳнат қилиб, ҳамма майдонларда ғалладан юқори ҳосил етиштирди, ўрим-йиғимни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошлаб, дастлабки кунларданоқ катта зафар қучяпти, кунлик ўрим ва давлатга дон сотиш графиги бажарилярти. Улар эришилган илк ғалабаларни мустаҳкамлайдилар, ўрим-йиғимни қисқа фурсатда аъло даражада туғаллайдилар, 111 минг центнер дон тайёрлаш ҳақидаги мажбуриятини шараф билан адо этадилар, деган умиддамиз.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев 8 июлда Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Х. Дель Прадо, Перу Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзолари А. Абарк, Г. Эспинослардан иборат Перу Коммунистик партияси делегациясини қабул қилдилар.

Перулик ўртоқлар халқ билан компартиянинг демократик ҳуқуқлар ва иқтисодий талаблар учун, Америка империализмидан иқтисодий мустақилликка эришишга ва социалистик мамлакатлар билан дипломатия ҳамда савдо-сотиқ муносабатларини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун олиб бораётган кураши ҳақида гапириб бердилар. Улар Перу коммунистларининг тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун, перу халқининг порлоқ келажаги учун олиб борилаётган қаттиқ курашни давом эттиришга бел боғлаганликларини таъкидладилар.

М. А. Суслов ва Б. Н. Пономарев ўртоқлар СССРда коммунистик қурилиш қандай бораётганлиги ва КПССнинг фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар, совет кишилари перу халқининг империализмга ва маҳаллий реакцияга қарши кураши билан қардошларча бирдамликни мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқи билан Перу ўртасида дўстлик муносабатларини, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни доимо ривожлантиришга астойдил интилаётганликларини айтдилар.

Суҳбат давомида коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши якунларидан тўла қаноат изҳор қилинди, халқаро коммунистик ҳаракатни янада жипслаштириш, Вьетнам ва Революцион Куба халқининг кураши билан бирдамликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

Москвалик пропагандистлар Ўзбекистонда

КПСС Марказий Комитетининг пропагандистлар группаси Коммунистик ва Ишчи партиялар халқаро кенгашининг материалларини тушунтиришда ёрдам бериш учун Ўзбекистонга келди. Бу группа составида олимлар, партия ва совет ходимлари бор. 9 июлда республика пойтахтининг партия активи, пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилар учун биринчи лекция ўқилди. КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими В. Г. Каримов лекция ўқиди.

Пропагандистлар группаси Ўзбекистонда бир неча кун бўлади. Бу группанинг қатнашчилари республиканинг бир қанча областларида партия активи, меҳнаткашлар коллективлари ҳузурида лекция ўқийдилар. (ЎзТАГ).

СУРАТДА: Самарқанд область, Ғаллаорол районидаги «Қорақишлоқ» совхозининг илғор комбайнчиси Эшбой Очилов. Иккинчи суратда комбайнлар совхоз далаларида.
А. Тўраев фотоси.

И Б Р А Т

Бекободдаги улкан металлургия заводининг қайси ишчиси билан суҳбатлашманг, завод коллективи, унинг олдинги сафларида бораётган коммунистлар ҳақида энг яхши сўзларни эшитасиз.

Меҳнатда, оилада ва жамоат ишида кўпчиликка ибрат кўрсатаётган коммунистлар кишиларни коммунизмнинг муносиб бинокори қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Завод парткомининг секретари Эркин Валиев бу ҳақда шундай дейди:

— Заводимиз Улуғ Ватан уруши даврида этаётган оғир бир пайтда тузилди. Завод қурилиши бошланганда, республикамизнинг турли бурчакларидан комсомол-ёшлар чақирилиб, металл эритиш ишига жалб этилди. Металл эритишга ишқибоз ёшлар кўп бўлсада, ҳали уларда билим ва тажриба етишмас эди. Шунинг учун, бир группа маҳаллий ёшлар Сибирь ва Уралдаги йирик металл заводларига малака ошириш учун юборилди.

Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли бевосита завод тарихи билан боғлиқ. Илк ишга туширилган мартен печида дастлабки ўзбек пўлатини эритган Ҳафиз Ғаниев, Олим Мирзаев, Е. Майшев, Алексей Штиров, Сергей Тимонин, Анвар Тошпўлатов, цех бошлиғи Михаил Костелой, машинист Чингиз Маҳмудов каби ўнлаб фидокорларнинг кўплари коммунистлар эди.

Ўтган давр мобайнида корхона юксалди, такомиллашди. Илғорилари ишнинг учдан икки қисми қўлда бажарилган заводимизда эндиликда юздан қариб 90 проценти автомат ва механизмлар зиммасига юкланган.

Биз заводда Ленин бурчаги ташкил этганмиз. Бу ерда аҳил коллективнинг меҳнат зафарлари, ўрнак олса арзийдиган ишчи-хизматчиларнинг фаолияти акс эттирилган. СССР Олий Советининг депутати, учинчи мартен печи пўлат эритувчиси Шерали Ҳамроқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, икки марта Ленин ордени кавалери Прокат цехи «300»-стан мастери Саид Нуриддинов ҳамда Неъмат Мирзаев, Аҳтем Жалилов, Фитрат Маҳаммаджонов, Вали Мирзаев каби сергайрат коммунистлардан ҳамма ўрнак олмоқда.

Прокат цехининг «300»-стани мастери коммунист Саид Нуриддиновни олиб кўрайлик. У завод ишга тушиб этилганидан бери шу цехда ишлаб келяпти. Саид аканинг киритган қўплаб рационализаторлик таклифлари шу цехни такомиллаштиришга катта ёрдам берди. Биргина станнинг ўзида, илғорилари кўл кучида эўрга 20-30 тонна металл тайёрланган бўлса, ҳозир бир сменада қариб 300 тонна маҳсулот етказиб берилянти. Барча иш автомат ва механизмлар билан бажарилянти. Саид аканинг кўл остида ҳозир тўрт шогирд воягa етяпти.

Заводда барча тадбирлар коллектив асосда, партком маслаҳати билан ҳал қилинянти. Бу партком ва коммунистларнинг обрў-эътибори ортиб бораётганлигининг, кишиларнинг коммунистларга ихлоси ва эътиқоди зўрлигининг белгисидир.

Ҳ. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САМАРҚАНДДА плашч фабрикасидан ташқари нинни заводи ва лифт тайёрланадиган корхона ҳам қурилмоқда. Бу корхоналарни шаҳардаги 5-қурилиш трестининг азамат бинокорлари тиклямоқдалар. Трест ташина топганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бинокорлар саноат объектлари тиклашда бир мунча тажриба орттирдилар.

Плашч фабрикаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Шу кунларда 703-бошқарманинг 250-300 нафар бинокори фабрикани тезроқ ишга тушириб юбориш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача қурилишда 3,5 миллион сўмлиқ яқин иш бажарилди. Йигирма беш минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонлари бунёд этилди. Қурилишда Анвар Велиев бошлиқ монтажчилар, «Союзмонтажлегмаш»нинг ўртоқ Е. Варламов бошлиқ ишчи ва мутахассислари, Г. Штица раҳбарлигидаги комплекс бригада бинокорлари яхши ишладилар. Суратда: қурилиш пешқадамларидан бир гуруҳи. (Чапдан ўнгга): Олим Хайруддинов, Мурод Зайниддинов, Ғофур Самиев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТАКОРЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

АШХОБОД, 8 июль. (ТАСС мухбири). Кеча Туркманистон Компартияси Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликларини ўзбек пахтакорлари ўтказган ўзаро текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Ўзбек делегацияси Туркманистон далаларида бир ҳафта бўлди. Делегация раҳбари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Н. Худойбердиевнинг айтишича, қараганда, туркман пахтакорлари кўпламининг юқулай келиши оқибатида юз берган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этмоқдалар. Катта-катта майдонлардаги бўлиқ ғўза тупларида дастлабки нусхалар пайдо бўлди. В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун республика далаларида меҳнаткашлари ҳамма имкониятларга эга.

Ўзбек пахтакорлари Қорақум дарё зонасидаги баъзи совхозлар билан Мургоб, Тажан ва Амударё водийларидаги колхозларнинг пахта далаларига айниқса қизиқиб қарадилар. Бу ердаги ғўза қатор оралари 90 сантиметр қилиб олинган. Ўзаётиргилари эгатлар бўйлаб суғоришга ҳам механизмларда қизиқиш туғилди. Бу усул яхши самара бермоқда.

Шу билан бирга меҳмонлар Тошовуз вилоятидаги Чоржўй ва Марв группа районларидаги бир қанча колхоз ва совхоз далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва бегона ўт борлигини кўрсатиб бердилар. Баъзи хўжаликларда ғўза нўлламтиб суғорилмоқда, суғоришдан олдин яхши парваришлаш қилинмаётир, техникадан унумли фойдаланилмаётир.

Ўзбек пахта ўсталари таъкидлаб айтдиларки, ҳозир ғўза катор оралариги ишлаш билан бирга экинни озиқлантириш ва суғоришни ҳам кўчайтирмоқ лозим. Ўзбек дўстлар техника, сувдан самарали фойдаланиш, пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан анчагина қимматли маслаҳат бердилар. Кенгашда Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ИСМОИЛОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон АССРда ирригация ишини ривожлантиришдаги хизматлари учун Қорақалпоғистон АССР совхозлар трести директорининг ўринбосари Бекин Исмоилович Исмоиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 9 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. С. ЕДГОРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда узоқ йиллар ҳалол ишлаганлиги ва эришган муваффақиятлари учун Бухоро областининг Бухоро районидаги Минурин номли боғ-совхоз директори Салиқ Салимович Едгоровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил, 9 июль.
Тошкент шаҳри.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

ҲАЁТИЙ ВАЗИФАЛАР

Кейинги йилларда республикамиздаги колхозлараро қурилиш бошқармалари кучи билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг миқёси кенгайди. Бу бошқармалар ва улар қарамоғидаги корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу йил колхоз қурувчилари беш йилликнинг биринчи йилидагига нисбатан 2,5 баравар кўп иш бажаришга бел боғлаганлар. 1969 йилда 6 минг колхозчи хонадони янги уйларга кўчиб киради. 100 та болалар боғчаси ва 50 та клуб бинаси битай деб қолди. Янги ўқув йилигача 90 та катта мактаб бинаси ва бошқа ўнлаб объектлар қуриб битказилади.

Қиш оғир келганлиги сабабли қурилиш ташкилотларимизда суръат анча суст бўлди. Кўпгина ташкилотларимиз планларни уддалай олмадилар. Ҳозир ҳам иш бир меъёрда бормаётганлиги ва қурилиш материаллари етишмаётганлиги сабабли иш жуда ҳам ўнгланиб кетгани йўқ. Шу боисдан ҳам буюртмачи бўлган колхозлар, район ва область совет ташкилотлари колхоз қурувчиларига ёрдамни кучайтиришлари зарур. Сирдарё, Андижон, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги колхозлараро қурилиш бошқармалари, трестлари ва ташкилотлари раҳбарлари олдида айниқса масъулиятли вазифалар турибди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қишга яхши тайёргарлик кўрган Фарғона ва Сурхондарё қурилиш трестларимизнинг коллективлари тўрт ойлик планни яхши бажардилар. Шу кунларда Охунбобоев, Олтиариқ, Ўзбекистон, Ургут, Ромитан, Шеробод, Денов ва Хива районларидаги колхоз қурувчилари айниқса баракали ишламоқдалар. Ленин Бекобод, Бўка, Балиқчи Иштихон, Шофиркон, Тўрткўл сингари бир қатор колхозлар ва қурилиш бошқармалари тўрт ойлик планни уддалай олмадилар. Ҳамма имконият ва резерврлари ишга солиб, ғайрат билан меҳнат қилганимиздагина қолоқликка барҳам беришимиз мумкин

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг область ва район бошқармаларига қишлоқ бинокорларининг эўтироолари ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Колхозлараро қурилиш бошқармалари 1969 йилга мўлжалланган қурилишлар учун ҳамма техника ҳужжатларини кўпларга олгандарича йўқ. 16,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари учун лойиҳалар тайёр эмас. Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё областларидаги колхозлар қурилишлар учун пулни вақтида тўламаётирлар. Ҳозир колхозларнинг қурилиш ташкилотларига қарзи 4,5 миллион сўмдан ҳам ортиб кетди. Бунинг оқибатида қурилиш ташкилотларига етказиб берилаётган материаллар учун вақтида пул тўлай олмаётирмиз. Темир-бетон буюмлар, тахта ва бошқа зарур қурилиш материалларини нечиқиб олмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги шу йилнинг 4 ойи мобайнида юборилиши лозим бўлган темир-бетон конструкцияларни 18 процент кам берди. «Ўзбеклес» комбинатидан ярим 13 минг кубометр ёғоч-тахтани кам олдик. Ғишт масаласида ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз. «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси автомобиль кранларни ва бўлган транспорт воситалари етказиб беришни йилнинг иккинчи ярмига қолдирди. Шу сабабли иккинчи кварталда ҳам қурилиш суръати пасайиб кетмасайди, деган хавотирдамиз.

Маълумки, қурувчилар қурилиш-монтаж ишлари батамом битмагунча буюртмачидан пул олишга ҳақлари йўқ. Республика Қурилиш министрлигининг «Главстройиндустрия» бошқармаси ва Ўзбекистон Қурилиш материаллари саноати министрлиги ҳам шу тахлитда иш тутиб, ҳали ортиб жўнатилмаган материалларга маблағ талаб қилмаслиги керак.

Ҳозир биз «Ўзсельхозтехника» ташкилотлари орқали машиналар, механизмлар ва қурилиш материаллари олмоқдамиз. Лекин бу ташкилотлар қурилишларимиз эҳтиёжига яраша ишлай олмаётир. Устига устак колхозлараро қурилиш бошқармалари мол етказиб берувчи ташкилотлар билан бевосита алоқа қила олмайдилар, сифатсиз қурилиш материаллари юборган ташкилотларга таъсир ўтказолмайдилар. Колхозлараро қурилиш қўлами жуда кенгайиб кетган экан, моддий-техника таъминоти ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқда қурилиш сўрати ва сифатини кутариш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Бу вазифани бажариш колхоз бинокорларининг шарафли бурчидир. Бунинг учун колхозларда капитал қурилиш бўйича асосий пудратчи бўлган колхозлараро қурилиш ташкилотларини янада мустаҳкамлашимиз лозим. Колхозлараро қурилиш бошқармалари ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашни ютуқларнинг калити десак ҳато бўлмайди.

Келгуси йилларда республиканинг ҳар бир районида темир бетон буюмлари полигони қурилиши, йилига 12-14 миллион ғишт пиширадиган заводлар қад кўтариши, ремонт-механика устаҳоналари қурилиши лозим. Ҳар бир областда 50 минг квадрат метр уй-жой қуришга қурби етадиган уйсозлик комбинатларга қурилади. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан ҳамкорликда қишлоқ қурилишлари учун инженер-техник ходимлар, бухгалтерлар ва иқтисодчилар тайёрлаш масаласини ҳал этишимиз лозим.

Яқин йилларда колхоз қурилишлари машина-механизмлар билан яхши жиҳозланади. Ҳар бир колхозлараро қурилиш бошқармаси 2-2,5 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажара оладиган бўлиб қолади.

Кўрниб турибдики, вазифалар катта. Шунинг учун ҳам республика Давлат план комитети колхозларда пудрат йўли билан иш кўраётган қурилиш ташкилотларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашни планлаштиришни ўз зиммасига олиши керак. Колхоз қурилишларига ҳам материалар давлат қурилиш ташкилотлари нормаси билан берилиши лозим. Колхоз қурилиш индустрияси корхоналари «Союзглавстройкомплект» бошқармаси орқали ускуналар билан таъминланиши лозим. Ўзбекистон ССР Давлат банки республика колхозлараро қурилиш ташкилотлари ва колхозларга нақтал қурилиш планларини бажаришда самарали кредит ва молия ёрдами кўрсатиши лозим. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари фонд йўли билан ажратилаётган материалларга ҳақ тўлашда давлат қурилиш ташкилотлари сингари ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Колхозлараро қурилиш ташкилотларини ғишт, темир бетон ва айниқса ёғоч-тахта билан таъминлаш яхшиланади деган умиддамиз.

Республикамиз колхозлараро қурилиш ташкилотларининг азамат бинокорлари қишлоқ қурилишларини сингари қаётий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ўзларининг катта ўнсаларини қўшадилар.

С. ОМЕРОВ,
Колхоз қурилишлари республика бирлашмасининг бошлиғи.

САМАРҚАНД ЗИЙНАТИ

ШАҲАРДАГИ ПЛАШЧ ТИКИШ ФАБРИКАСИ БИТАЙ ДЕБ ҚОЛДИ

Улуғбек ва Бобир Мирзо замонасида Самарқанд бахмали билан машҳур бўлган, дейишади. Эндликда Самарқанд саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотни жаҳондаги кўп мамлакатларда билишади. Бу қадимий шаҳардаги «Кинап» заводи чиқарган аппаратураларнинг довруғи материбдан машриққа кетди. Қадимий меъморчилик обидалари билан машҳур бўлган Самарқандда яна бир янги корхона қурилиши тугалланай деб турибди. Бу корхона корпуси Самарқандининг Тараққий кўчасига тушган бўлиб. капрон плашчлар тикиш фабрикаси деб аталади.

5-қурилиш трестининг бошқарувчиси Эркин Саидов билан янги фабриканинг цехларини айландик. Тўрт қаватли ойнаванд бино. Баҳаво, ёп-ёруғ цехлар. «Фабрика қурилишида, — деб ҳикоя қилади трест бошқарувчиси, — йигма темир бетон ва металл конструкциялардан унумли фойдаландик. Қурилишда 703-бошқарманинг бинокорлари тер тўкиб ишлашди. Айниқса, Ленин орденли Ғофур Самиев бошлиқ комплекс бригада азаматлари ҳаммага ўрнак бўлишди. Ғофуржон укувли, тажрибали бинокор. У 21 йилдан бери қурилишларда ишлаяпти. Тезу соз қурғани учун Ленин ордени билан тақдирланган. Қурилишда пешқадамлар кўп, Анвар Велиев, Еқуб Мамутов, Сервер Давлетов бош бўлган бригадаларнинг ишидан миннатдормиз.

Тикув фабрикаси Самарқандниинг 2500 йиллик юбилейи арафасида ишга тушган дастлабки корхоналардан бири. Унинг лойиҳасини Ленинграддаги 2-давлат лойиҳалаш институтининг мутахассислари тузишган. Фабрика тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 2 миллион дона плашч тикиладиган бўлади. Бу янги корхонада ишчиларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароит муҳайё бўлади. Махсус ускуналар ёрдамида цехлар ҳавоси тозаланиб турилади, иш жойларининг ҳавоси мўътадил бўлади. Юқорига кўтариш учун лифтлар қурилган. 600 ўринли ошхонада ускуналар ўрнатилянти.

Шу кунларда 5-қурилиш трестининг бинокорлари ва уларнинг оғирини енгил қилаётган ёрдамчи пудратчи ташкилотлар қурувчилари қўлни қўлга бериб ишлаб, фабрика цехларида ўрнатилган ускуналарни созламоқдалар, машина механизмларни ўрнатмоқдалар. Чала қолган ишлар маромига етказилянти. Қурувчилар йирик юбилей объекти бўлган бу корхонани тезроқ ишга тушириш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар.

Самарқанд эпни капрон плашчлар билан қийинтирадиган дамлар тобора яқинлашиб келяпти. Кўҳна шаҳар саноат корхоналари даврасидан янги фабрика ҳам муносиб ўрин олади.

Л. ЭРГАШЕВ,
А. АБДУҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

«ШОФИРКОН ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

БУҲОРО. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Бухоро областида қайта ташкил этилган Шофиркон районида «Шофиркон ҳақиқати» газетаси чиқа бошлади. Газетанинг дастлабки сонида район партия комитети ва район ижроия комитетининг «Шофиркон ҳақиқати» газетхонларига ишчи, қишлоқ мухбирларига таҳрир хати эълон қилинди.

Газетанинг ички саҳифаларида мусобақадош Шофиркон ва Свердлов район меҳнаткашлари пахта, дон, сабзавот, полиз, сут, жун, тухум етиштиришни кўпайтириш юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

И. Турсуновнинг «Шофиркондликлар» сарлавҳали тарихий очеркида академик И. Муминов, халқ агрономи Шарофбобо Ҳамроев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Шарипов ва бошқа шулар сингари кишилар ҳақида ғапирилган!

Т. НАЗИРОВ.

ШЕЪР ВА МАСЪУЛИЯТ

(ҲАВАСКОРЛАР МАШҚЛАРИГА ОБЗОР)

◆ ◆ ◆

Куй-қўшиқсиз бўлмайди яшаб.
Бир қушманни, қўшин — қанотим.
Куй-қўшиқка бўлоқ эмас қалб,
Қўшин билан тотли ҳаётим! —

деб шеър ва қўшиқни улуғлайди ёш шоир Маматмирза Мирзаахмедов.

Чиндан ҳам шундай. Ҳаётни шеър ва қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Киши дилидаги энг нозик туйғулар ҳам худди шулар билан ифодаланиши бечиз эмас.

Шу боисдан ҳам инсон ўз севинчини, ғоя ва истакларини шеър тили билан қуйлашга интилади, қўлига қалам олиб машқ қилади. Редакциямизга ҳар куни оқиб келаётган ўнлаб шеърларда ҳам шу руҳ сезилиб турибди.

Муҳаммаджон Низомўродов, Раҳима Солижонова, Расулжон Юнусалиев, Файзулла Ниёзуллаев, Ҳамида Тўхтасинова сингари кўплаб ҳаваскор қаламкашларнинг шеърларида замондошларимиз жасорати, юртимизнинг кўрку чиройи, пахтакорлар, ишчилар меҳнати, нишиларимиз фазилати қанч ва саминий минераларда эҳтирос билан куйланадики, бу нарса ана шу ижодкорларнинг шеър устида жиддий ишлаётганликларини кўрсатади. Улар ўзлари кўрган ёхуд ҳис этган нарса ва ҳодисалардан шоирона хулосалар чиқазадилар, оригинал «ган» айтишга интиладилар.

Лекин, айрим шеърларни ўқидан кечирар эканмиз, улар ана шундай фазилатдан маҳрум эканини кўрдик. Тўғри, уларда минералар дурустгина қофияланади, вазн, мусиқийлик жойида. Лекин энг муҳим нарса — янги фикр бадиийлик йўқ. Бусиз, шеър шеър бўлармиди. Уни охангдор ва тўмтароқ сўзлар йиғиндиси дейишдан нарига ўтиб бўлмайди. Демак, қофия вазн, тўроқни билиш билангина иш битмас экан. Ҳақиқий шеър ёзиш учун кишининг юраги ёниб туриши, қўлга қалам олишга қалб фармон бериши керак. Лекин, афсуси, қўлимиздаги талабгина шеърлар завқ-шавқ билан эмас, доқайдлик билан ёзилган.

Таърифининг йўқ гўзал ва шўх
баҳор фаслисан,
Фаслларнинг келинчаги,
аслисан.

Бу сатрлар хатирчилик М. Расулевнинг «Баҳор» сарлавҳали шеъридан олинди. Шеър силлиқ ва равон ўқилади, лекин унда оригиналлик йўқ. Биз баҳорнинг гўзаллигини, фаслларнинг «келинчаги» эканини биринчи марта ўқиётганимиз ёки эшитаётганимиз йўқ.

Фақат шаклгагина эътибор бериб, мазмунни унутиш, тумтароқлик С. Рамазонов, Н. Шарипов, С. Абдуллаев, С. Иброҳимов, А. Маҳаматқулов, Х. Сатторов, Е. Ҳушвақтов, С. Раҳматов, М. Қодиров сингари кўпгина ҳаваскорларнинг машқларида ҳам кўзга ташланиб турибди.

Бухоро кооператив техникумининг учинчи курс студенти Мансур Ҳожиевнинг «Аэна Бухоро» сарлавҳали шеърини ўқиб, таажжубда қолдик. Шеър шундай сатрлар билан бошланади:

Мен сени жондан севаман,
нурли гулистон шаҳрим,
Мен сени жондан севаман,
боғлари бўстон шаҳрим...

Шунинг учун ҳам таажжубландикки, бу шеър М. Ҳожиевнинг эмас, нерақалпоқ шоири Т. Сейтжоновнинг қаламига мансуб бўлиб, у қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси кунларида газетамиз саҳифасида босилиб чиққан эди. Ўрнида йўқ. машқда йўқ. Хирмонда ҳозир деганларидай, «шоир» М. Ҳожиев шу шеърни кўчириб унинг остига уялмай-нетмай ўз имзосини қўйиб юборибди.

Ғуломжон Худойназар Эшқобилов эса, бу соҳада Ҳожиевдан ҳам ўтиб тушибди. У Қуддус Муҳаммадийнинг машҳур шеърларидан бирини шартта кўчириб олиб, уни ўз номидан редакциямизга йўллаган. Ёки бунақа «шоир»ларга: «яхшиси, ўз ишингизни қилинг, халқнинг маънавий мулкига ҳаром қўл тегизманг» дейсиз. Бошқа сўз бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ҳасан Еқубов эса, бу соҳада ғаш бошқачароқ йўл тутади. У халқ қўшиқларини «таҳрир» этиш билан уни ўзининки қилиб олади. Мана, мисол:

Гулни гул дерми ўсиши (?)
Гулни хушбўйи бўлмаса. (?)
Ерни ёр дерми инсон
Ёр вафоси бўлмаса (?)

Унинг бошқа «шеъ»лари ҳам шундай ғализ, бири боғдан, бири тоғдан келаётган мисраларидан иборат. Бундай сатрларнинг шеъ**рга қандай алоқаси бор? Афтидан, бу ҳаваскор инсонга инни жуда ноқаи тушунади, яхши шеър ёзиш учун инсонда қобилият, натта билим ва тажриба бўлиши лозимлигини яхши ўйлаб кўрмаганга ўхшайди.**

А. Азимов, А. Маҳмудов, М. Зарипов, В. Эшонқулов, Х. Абдуразоқов, А. Мақсумов, О. Мамашаринов, Х. Ғолабердиев, Ҳ. Курбонов, Н. Ҳужаев, Н. Шарипов, А. Рустамов, Т. Ўрмонов, Ю. Ҳурраев, И. Алимов, Ў. Ҳўшаев, М. Тиловов, М. Абдунаримов, Т. Шодиев, Ҳ. Кўчқоров, М. Пўлатов, Р. Жумабоев, В. Раҳматуллаев, Ҳ. Нурмаматов, Н. Аҳроров, Қ. Мирзаъзамов, А. Эргашев, Қ. Жабборов, Р. Қўқонов, А. Назаров, М. Мадалиев, М. Саламатова, А. Эшонқулов, А. Маматқулов, З. Олимий, Д. Бобоқулов, Қ. Мамадалиев, Ҳ. Турдиев, К. Салоев, Қ. Эгамов сингари яна неча ўнлаб ҳаваскорларнинг машқларида ҳам ана шундай оғиз томонлар яққол кўзга ташланиб турибди. Афсуси, уларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтиш имкони йўқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу ҳаваскорлар шеър ёзишга киришишдан олдин ўз саводхонликларини оширишлари, билим доираларини кенгайтириш ҳақида ўйлашлари лозим. Негаки, стилистик ва грамматик хатолар билан тўлиб тошган бу «шеъ»ларнинг авторлари ҳали поэзиянинг энг олдинги талабларидан дурустроқ хабардор эмасликлари билиниб турибди. Шунинг учун ҳам бундай машқлар муаллифлари энг аввал поэзия, умуман адабиёт ҳақида дурустроқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Яхши ният ярим мол деган нақл бор халқимизда. Аммо эзгу ниятга ўз-ўзидан етишиб бўлмайди. Ёзувчилик меҳнати эса, жамиятнинг меҳнатлар орасида энг мураккабидир. Ахир, инсон руҳининг инженери деган юксак номга сазовор бўлиш, дили, талаби қонг ўсиб кетган китобхонлар кўнглига ҳуш келадиган асарлар яратиш учун оддийгина меҳнат қилиш керакми? Ёзувчи ҳақиқий санъат асаринингина тан олади.

Яхши ният билан қўлга қалам олаётган ҳаваскорлар энг аввал бунинг масъулиятини сезсалар яхши бўларди.

ИХЛОСМАНДЛАР

Биз эрта тонгда Қўқонқишлоқ пахта заводига кириб бордик. Цехлар озода, ҳамма нарса саранжом. Завод бундан қирқ уч йил олдин қурилган. Қўқонқишлоқ атрофидаги хўжаликлар ҳосилни шу ерга топширишади.

— Заводимизда 960 ишчи ишлайди. Бундан ташқари, 11 та пахта пунктимиз бор, — дейди директор ўртоқ Исоқжон Еқубоев.

Мана, учинчи ишлаб чиқариш бригадасининг смена мастери, КПСС аъзоси Қорабой Абдуллаевнинг ёнидамиз. Ишга астойдил ихлос қўйган Қорабой Абдуллаев бригадаси олти ойлик планни беш ойда бажариб, сифатли тола тайёрлаяпти.

Директор бизни корхонанинг пешқадам усталардан Юсуф Ғаффоровнинг ёнига бошлаб борди. Унинг ишлаб чиқариш бригадаси ҳам Эркин Исмонлов, Ўринбой Абдуллаев, Анвар Жўраев каби азаматларнинг билимдонлиги, техниканинг «тилин»ни пухта билганлиги туфайли планни ортиғи билан бажариб келаётир.

— 16 ёшимда мана шу заводга келган бўлсам, мана йигирма икки йилдирки, меҳнат қилиб бахт топиб келмоқдаман, — дейди ўртоқ Ғаффоров.

Андижон область Советининг депутати момиқ ажратувчи Турсуной Баҳромова ўз ишининг ажойиб устасидир.

— Турсуной заводдаги хотин-қизларнинг сардори деса бўлади, — дейди бош инженер ўртоқ М. Нуриддинов.

Бу аҳил коллектив момиқ ишлаб чиқариш беш йиллик планини уч йилда бажарди. 220 тонна ўрнига 465 тонна момиқ тайёрланди.

Сара тола Қўқонқишлоқ маркази билан узоқ-узоқларга йўл олади. Куба, Германия Демократик Республикаси, Болгарияга, ҳуллас 24 мамлакатга тола жўнатилади.

— Ҳосил кўпайиб бормоқда. Шунинг учун заводимизнинг пунктларини кенгайтирямиз. Пахтаобод пункти янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёрланмоқда.

Ҳозирдан кузги йиғим-теримга тайёргарликни авж олдириб, янги ҳосил тараддусини кўраётган Қўқонқишлоқ заводи коллективи ва пункт ходимлари ҳамжиҳатлик билан ишламоқдалар.

Х. ЮСУПОВ,
Андижон области.

Суратда: завод директори ўртоқ Й. Еқуббоев (ўртада) ишчилар билан янги технинани жорий қилиш ҳақида суҳбат ўтказаётир.

М. Тўйчиев фотоси.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Ўтмишда қолоқ ва аграр ўлка бўлган Ўзбекистон совет ҳокимияти йилларида коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати туфайли экономикаси бақувват, индустриялашган республикага — социализмнинг Шарқдаги маёғига айланди. Инқилобдан аввал хатто игнани ҳам чет эллан сотиб олган ўзбекимиз бугунга келиб жуда кўпгина ҳорижий мамлакатларга ўзининг саноат маҳсулотларини чиқармоқда.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ташавтомаш» заводида пахтачилик учун тракторлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинди.

Шу муносабат билан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ўтган куни сонида «Тошкентнинг универсал тракторя» деган умумий сарлавҳа остида бир ярим саҳифа материал берилди. Унда пахта тракторлари бўйича махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи П. Мирзаҳмедов «Ташавтомаш» заводининг эртаги куни ҳаққида ҳикоя қилса, завод директорининг капитал қурилиши бўйича ўринбосари А. Асадов корхонанинг аҳил коллективи олдида турган муҳим вазифаларга тўхталган. Завод бош инженери А. Барабашин ва 7-цехнинг тобдевчиси Ҳуррам Яхшиевлар ўз мақолаларида мазкур коллективнинг шу кунги қиёфаси ҳаётини ҳикоя қиладилар.

КАТТА БОЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XV ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

<> <>

Қорақўлчилик — жамоат чорвачилигининг муҳим, сердаромад тармоғи ҳисобланади. Ундан қимматбаҳо «олтин сур», «кумуш сур», жимжимадор терилар етиштирилади, семиз гўшт ва юқори сифатли жун олинади. Буни бизнинг совхозимиз мисолида янада равшан кўриш мумкин.

Совхозимиз қорақўлчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, юқори сифатли қорақўл тери, жун ва қўй гўшти етиштиради. Бундан ташқари зотдор қўзилар ўстирамиз. Шу мақсадда наслчилик ферма ва отарлари тузилган. Ҳар йили қўшни район ва областларга зотдор қўзилар ўстириб беряпмиз. Кейинги икки йил мобайнида қариб 10 минг бош зотли қўзи ўстирдик.

Қўй-қўзилар жойлашган яйловларимиз серўт ва беғубор. Уларнинг бир қисми Нурота тизма тоғлари атрофида. Баъзи отар ва фермадаги қўйлар чашма сувлардан суғорилади. Ғозгонсой, Олтинсой, Майдонсойлардан оққан булоқ сувларидан фойдаланиб, талай жойда беда, маккажўхори ҳам етиштирамиз. Шартли суғориладиган участкаларда бедани уч марта ўриб олиб, анчагина ширали озуқа жамғарамиз.

Чорвадорларимиз ўтган йили яйловлардан етарли даражада хашак жамғариб ва қишлов жойларига ташиб қўйиб, яхши натижага эришдилар. Қиш совуқ ва узоқ келиши, ёғингарчилик кўп бўлишига қарамай, чўпончўлиқларимиз қўйларни қишловдан муваффақиятли олиб чиқдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев ҳар юз совлиқдан 195 тадан, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Ҳаким Тошев 180 тадан ошириб қузи олдилар. Совхозимиз бўйича ҳам ҳар 100 бош совлиқдан 122 тадан соғлом қузи олинди. Совлиқлардан қузи олишда райондаги хўжаликлар орасида илғор ўринлардан бирини эгаллаймиз. Эгизни кўп олиш ҳисобига бу йил давлатга бултургидан тўрт ярим минг дона кўп қоракўл тери топширдик. Терининг қариб 85 процентини биринчи сортга топширдик.

Чорвадорларимиз мол туёғини ўстириш, гўшт, жун етиштиришни кўпайтириш соҳасида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленуми қарорлари асосида иш олиб бормоқдалар. Олдимизда бу соҳада шарафли, масъулиятли вазифалар турибди. Совхозимиз бўйича қўйлар сонини янада кўпайтириш йили билан бу йил ҳар бош қўйдан камида 3,2 килограммдан жун қиркиб олишимиз, давлатга 520 тонна гўшт етказиб беришимиз керак. Бунинг учун қўй-қўзиларни яхши боқиб, ҳар бош қўйдан баҳорда 1,6 килограмм ўрнига 1,7 килограммдан ва ундан ошиқ жун қиркиб олишга эришамиз. Гўштга ажратилган ҳар бош қўйнинг тирик вазни 50 килограмм бўлишини таъминлаймиз.

Пленум қарорлари асосида иш кўраётган коллективимиз сут етиштиришда белгиланган довон ошди. Ярим йиллик план муддатидан анча илгари ошириб бажарилди. Ўтган йили худди шу кундагига нисбатан 200 центнер кўп серёғ сут харид қилинди.

Кўкламда 3000 гектар лалмикор ерга изень ва 3500 гектарга саксовул уруғи сочган эдик. Эски изензорларнинг ҳар гектаридан 5 центнердан ширали озуқа тўплашни мўлжалладик. Яна 6000 гектар ерга дон эндик, бунинг 4000 гектари арпа эди.

Баҳорги ёғингарчилик туфайли экинлар яхши ривожланди. Арпанинг ҳар гектаридан 6 центнердан хирмон кўтарямиз. 250 гектар бедазорни сифатли парвариш қилиб, бир марта ўриб олдик, иккинчи ўримни ҳам яқин кунларда бошлаймиз.

Бу йилги қиш қўй-қўзилар учун қанча кўп ем-хашак жамғарилса, шунча яхши бўлажагини кўрсатди. Агар ўтган йили икки йиллик озуқа жамғармаганимизда кўпчилик чўпонлар бу йилги қаттиқ қишда ер чизиб қолиши мумкин эди. Шунга кўра, бу йил ҳар бир ферма ва отарда камида икки ярим йилга етадиган хашак жамғариш масаласини қатъий қилиб қўйдик. Асосий бойлигимиз ҳисобланган қорақўлчиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга катта эътибор бераётгирмиз.

Шу муносабат билан май ойидаёқ алоҳида хашак тайёрлаш бригадаси ташкил этиб, унга 350 ишчи, 15 та сеноносилка, 20 та «универсал» трактор, автомашина ҳамда тележкалар ажратиб бергамиз. Ҳозиргача минг тонна хашак жамғардик. 400 тоннача беда ва 350 тонна изень тайёрладик. Эндиликда асосан янтоқ ва ялпиз ўрилянти. Яйловларимизда қорақўл қўйлар учун энг муҳим озуқа бўлган табиий пичанзорлар кўп. Ўрилган пичан пешма-пеш ташиб, гарамланмоқда.

Қорақўлчилик — катта бойлик. Совхозимиз ўтган хўжалик йилини 346 минг сўм соф фойда билан якунлаган эди. Чорвадорларимиз беш йиллигининг тўртинчи йилида янада кўпроқ соф фойда олиш, хўжалик рентабеллигини тағин ҳам ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аҳолига кўпроқ гўшт етказиб бериш тўғрисидаги қарорларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилаверадилар.

Қ. ЖОНУЗОҚОВ,
Нурота районидаги «Ғозгон» қорақўлчилик совхозининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Советининг депутати Турсуной Авезова Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг моҳир чўпонларидан бири. Турсуной мавсумда ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан қузи олди. Шу кунларда қўйларни серўт яйловларда боқяпти, Суратда Турсуной Авезованинг ўз отари ёнида кўриб турибсиз.

С. Безносов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИ УЧУН

ҚОРАБУЛОҚ

ОЧЕРК

Ўрта бўйли, елкадор йигит тўхтаб-тўхтаб чўққига чиқиб, телескопини қўлига олиб, виқор билан теварак-атрофга нигоҳ ташлади. Манзара ниҳоятда гўзал. Кўм-кўм майсалар билан қопланган теналиклар ва даладар бир-бирига уланиб кетган. Тоғнинг ўркачига ўхшайди бу адирлар. Рўпарадаги қирда қўй-қўзилар ўтлаб юрибди.

Қўй кўз, юзлари қип-қизил, басавлат бу йигит адирларда, кенг саҳроларда юришни яхши кўради. Шунга кўниниб қолган, қаҳратон қишда ҳам, жазирама иссиқда ҳам адир незади, олтин қидиради. Унинг касби-кори шуни тақозо қилади. Қидирмаса топмайди. Тоғ тизмасини эсдатувчи тупроқ уюми пармачилар дарғасининг изига олтин бўлиб кўринади. Шунинг учунми жуда сенги олмиляйди, оёқларини авайлаб босади, ўзини гўё олтинни тупроққа қориштириб юборяётгандек ўнгайсиз сезади. «Андижон тупроғининг ости ҳам, усти ҳам олтин, кўнглидан ўткади.—Қодиржон Халилов, — деҳқон бу тупроққа олтин ундирди. Биз, пармаловчилар эса унинг остидаги жавоҳирларга йўл очиб берамиз. Бесҳисоб бойликларимиз бор, — дейди у адирларга ишора қилиб, барчаси олтинга тўла! Эҳ-ҳа, бунга эришгунча озмунча тер тўкдикми?...

Халқ уни узоқ ўтмишга бошлайди. «Искандар Зулқарнайн Фарғона водийсини босиб олган вақтида мана шу теппадан ўтганмиман? Қарқарда ҳаздирган нуқуларнинг ўрни сақланиб қолмадимикан? Қадимги грек тарихчиси Плутархнинг ёзишича, Искандар ер ости бойлигининг чегараси Мойдисойдан бошланади, деб гумон қилади. Мойдисой Андижонга яқин-ку! Кўқон хони Худоёр бу бойликдан фойдаланишга розилик бермаган дейишади. Нобель фирмаси Чимёнда қазилган қудуқларни сотиб олишга-сотиб олибди-ю, фойдалана олмаганмиш қизиқда».

Қодиржон яна олга жилади, яна салом бераётгандек эгилиб-кўтарилаётган началниклараро луч нелади. Бунга кўриб Халиловнинг кўзлари чақнайди, кўнгли жони севинчга тўлади. Одам ўз меҳнатининг маҳсулини кўрганда терисига сиғмай яйраб кетади, ўз қудратига ишонгиси нелмай қайратланади. Қодиржон ҳам ҳозир худди ана шу ҳолатни бошдан кечиряпти. Чунки, бу «олтин сандиқ»ларнинг кўпини ўзи очган-да.

Ҳар бир асарга авторнинг номи ёзилади. Парманашнинг асари — қудуққа эса унинг номи ёзилмайди. Аммо бу «асар»ни чуқурроқ «ўқиган» киши бенихтиёр шу қудуқни қазган пармаланни эслайди, унинг шаънига тахсинлар ўқийди. Нега дейсизми? Бу саволга жавоб бериш учун пармаловчининг иккё дафтарини варақлаш кифоя. Ёзувчи юрак сирларини битаётган қоғоз ҳам, жонон қизлар олдидан ўтганингизда димоғингизга ҳиди гуп этиб уруғчи атир ҳам, машиналарга қанот бахш этаётган бензин ҳам, уйингизга жило бериб турган бўёқ ҳам нефтдан олинади!

У ҳамоё вишкалар ўрмонини оралаб борянти. Ҳамма начальниклар ҳаракатда. Ер қазилган қимматбаҳо бойлик сўриб олянти, «Буларнинг нилови қўлимизда, қаёққа йўлласак, ўша ёққа йўрталайди, — деб ўйлайди у,—илгари нуқуқдаги нефтни пакирлаб олиларкан. Бир кунда қанча нефть олингани ҳақида аниқ маълумот йўқ-да! Эндиликда эса пақир ўрнига қудратли пўлат качалкалар яратилди».

Қодиржон ана шундай таассуротлар оғушида «буровойка» — ҳамкасблари ҳузурига етиб борганини билмай қолди.

— Ҳайрият, бригадирнинг ўзи келиб қолди, — деди пармаловчилардан бири.

Ҳамма ташвишли кўринарди. Улар синов тарнасида юборилаётган сув қудуқда йўқ бўлиб кетаётганини айтишди. Ажабо, нагари бундай аҳвол юз бермас эди-ку. Пармашилар бу муаммонинг тагига ета олмай тоқатсизланардилар.

Кутилмаган совуқ хабар Қодиржонни эсанкиратиб қўйди. У натта умид билан келган эди. Бугун қандай бўлмасин қудуқни монтажчилар бригадасига топширишни дилига тугиб қўйган эди. Лекин унинг ўйлагани бўлмайдиганга ўхшайди.

— Қудуқнинг тагида бирон гор бўлса керак, — деб тахмин қилди ёрдамчи пармакаш Тўхтаохун Абдураҳмонов.

— Йўқ-ё, ундай эмасдир, — эътироз билдирди катта пармаловчи Хурилло Тўраев. Ҳар ким ҳар хил фикр айтди.. Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Қодиржон Халилов эса шогирдларинг мулоҳазаларини жимгина тинглади. Афтидан, у ҳам ўйлапти. тугунни ечиш йўлини қидирапти.

Пармаловчилар бригадирнинг оғзини пойлашарди. Халилов бундай пайтда асло шошмаслан, жиддий фикр юргизар, ишор-чиқирларгача ҳар томонлама ўйлаб кўрарди, Зотан, у вазминлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб турарди.

— Етти ўлчаб бир кесиш керак, шунда иш пухта бўлади, — деб таълим беради у.

Пармаловчилар ҳам бошлиқнинг бу фикрига қўшиладилар. Чунки бу нозик иш ниқоят эҳтиёткорликни, аниқликни талаб қилади, қалғина шошқалоқлик ҳамма ишни агдар-тўнтар қилиб ташлаши мумкин. Шогирдлар ана шундан қайнишар, бошлиқдан садо чиқишини кутишарди.

Халилов ўзи ташқарида бўлса ҳам, ишлаётган нуқуқнинг остида. У анчадан сўнг нуқуқка сув оқиёб кирди. Ҳамма жим. Кутишди, кутишди... Аммо сув ғойиб бўлиб кетаверди. Ҳамма Қодиржонга юзланди.

— Қудуқ ичига тушириган қувурларда бирн тешиндаи, — деди бригадир.

Пармаловчилар ҳайратда қолдилар. Халилов ўзини давом эттирди.

— Ўзларингизга ёвнки, разведка мақсадида казилган нуқуқларда ишлатилган эски қувурлардан тажриба тарнасида фойдаланаётган эдик, бири ёрилибди. Ҳечқиси йўқ, тешиндан жойга цемент қоришмаси юборамиз, у тешикни беркитиб қолади.

Бу фикр кўпчиликка маъқул тушди. Пармаловчиларнинг кўзидан умидсизлик чекинди.

— Иш бир кун орқага сурилядиган бўлди, дўстларим, — деди Қодиржон, — эрталик билан цемент келтириш керак.

Ўша куни Халилов уйга ҳомуш қайтди. Алламаҳалгача ҳаёл суриб ўтирди. У ишга янги кирган кезларини эслади.

...1946 йилнинг эрта баҳори. Осмонда булутлар галаси кезиб юрибди. Кечкурун ёмғир ёғиши учун йўллар лой эди. У Кагортолдан чиқиб, тўпа-тўғри «Жанубий Оламушук» нефть конига жўнади. Ийманибгина ичкарига кирди.

— Мени ишга олмайсиларми, нефтчи бўлишни истайман.

Директор унга бошдан-оёқ разм солди. Еш, озғин йигитча одоб билан қўл қовуштириб турарди. У юпунгина кийинган эди.

— «Буровой»да ишлайсан, бўлдими?

— Бўпти, — розн бўлди йигитча хурсанд жилмайиб.

Қодиржон Халиловнинг меҳнат фаолияти ана шундай бошланган эди. У ишга келган кунёқ нефтчилар ҳаёти ҳақида суриштира бошлади. «Андижон адирларининг тагида нефть дарёси бор деган ган ростми? Фарғона водийси нефть бойлиги жиҳатидан Бокудан колишмайди, деганн тўғрими?»

Эҳҳи ўткир йигит югуриб-елиб ишлаб, ҳамма билан ёлашиб, дардлашиб кетди. Кунлардан бир кун бургуни алмаштираётиб Қодиржон бенихтиёр мастер билан бригадирнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Идроки яхши, тиришқоқ бола экан, — дерди мастер ҳуваннб.

— Ҳали ёш, уч-тўрт ой ишласа тагин пишади, шогирдга ёлчиб қоламиз, — мастернинг гапини қувватлаб бригадир.

Орадан икки йил ўтган. Қодиржон ҳузурига директор келди.

— Ўртоқ Халилов, деди унга, — бугундан бошлаб ўз бригадангизда мастер бўлиб ишлайсиз.

Кўп ўтмай Қодиржон мастерликдан бригадирлик даражасига кўтарилди. Кечагина тортиниб, ийманиб, «нефть қандай олинади?» деб юрган деҳқон боласи бугун нефтчилар сардори!

Халилов бригадирликни ҳам эплаб кетди. Ҳамманн орасидан эргаштирди. Планки суруккасига тўлдириб элга танилди, шуҳрат қозонди. У натталик қилиб гердайишни билмади. Ёлқин борича одамларга яхшиник қилди. Ёрдам сўраган киши ундан ҳамиша «хўп бўлади», «бажонидил», «қўлимиздан келганича ёрдамлашишга тайёрмиз», деган жавобни олади. У ваъда бериб ҳам қўйиб-лаймайди, сўзининг устидан чиқади ҳам. Шогирдлари унинг шу одатини айниқса яхши кўришади. Бир куни унга:

— Бригаданги билан «Подвонтош» нефть конига бориб ўз иш услубингизни ўргатасиз, — дейишди.

— Қизиқ, ким ишни дўндириб қўйса, унга тинчини бермаймиз, ёнгир участкага жўнатишади. Бутун юкни унинг устига ағдариб қўядилар, Оқибатда машъал ҳам нур сочолмайдиган бўлиб қолади. Качонгача шундай қилишарини-а? — деди Хурилло Тўраев тутоқиб.

Хурилло Тўраев Халилов билан бир вақтда ишга кирган. Ишнинг кўзини биларди, оғилкор пармаловчилардан. Ҳамма уни ҳурмат қилади, гапига диққат билан қулоқ солади. Унинг ҳозирги гапи кўпчиликни ўйлантириб қўйди, Шунда Халилов:

— Биз фақат ўз бригадамизнинг шуҳрати учунгина курашиб қолмай, қўшнилар тўғрисида ҳам қайғуришимиз керак. Дўст, дўст бошига иш тушганда билинади. Қўшни участкада иш оғсаб турса-ю, биз ўзимизни четга олсак, инсофданм?—деди.

Қодиржон Халилов бригадаси малоқ участкага ёрдамга ўтди.

— Қаяк бизар қандай «шароматъ» кўрсатишарини, кўрамиз, — деб пичинг отишди полвонтошликлар.

Ишнинг баланд-пастини биладиган Халилов луч келган тўсиқни қўпориб ташлаш юзасидан маслаҳатлар бериб турди. Чуқур нуқуқни қазиш жуда машаққат эди, Бургулар-тезда ишдан чиқар, салгина ахтиётсизликкка йўл қўйилса фалокат содир бўлиши табиий эди. Бургуни алмаштиришга кўп вақт кетади. Бунинг учун қар гал нуқуқка туширилган қувурларнинг ҳаммасини бирма-бир чиқариб олиб, турбабурнинг учига бургу уланади. Сўнг яна икки-уч минг метрли қувурлар бир-бирига уланиб нуқуқка туширилади. Игна билан нуқуқ қазиш деб ана шунга айтилса нераида. Мутахассислар бу муаммони ҳал қилиш устида узоқ йиллардан бери бош қотириб келадилар. Лекин бунинг қулайроқ йўлини топганларича йўқ ҳали...

Нуқуқ чуқурлашгач, иш оғирлашиб қолди, бургунинг айланиши секинлашди. Бу аҳволда узоққа борнб бўлмас эди. Нима қилиш керак? Чекинишсиними? Йўқ, Халилов яна қаёт дафтарини варақлади.

Халиловчиларнинг уддабуролиги полвонтошликларни ҳайратда қолдирди. «Биз ҳам шундай қилсак бўлмасмиди? Қулайлигини қарант, жонингиз сира қонимайди-я! Бургуни айтмайсизми, бошқарувчининг измидан чиқмайди. Бизга келганда тутун қайтаради. Иш ўз устасидан кўриади, деганлари шу бўлса керак-да. Энди биз ҳам шуларн қиламиз!» Бу эзгу ниат «Подвонтош» пармаловчиларининг дилларида нуртак ёзди.

Халилов ва унинг дўстлари Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга муносиб эканликларини исботладилар. Нуқуқ белгиланган муддатдан бир неча кун аввал казиб бўлинди, «Қора олтин» оқимига тағин оқим қўшилади. Ў началаб, нуқуқдулаб оқади. Оққанда ҳам сув каби шаҳ-қираб оқади! Бу оқим ҳам Қодиржон Халилов бригадаси йигирма йил ичида казган юзлаб булоқлардан пайдо чиқаётган нефть оқимига бориб қуйилади. Агар уларни тўпласа борми...

Қодиржон Халилов ва унинг шогирдлари «Подвонтош» дан катта галаба билан қайтдилар. Улар тағин «Жанубий Оламушук» адирларида.

Улар Андижон областида биринчи бўлиб, енгил ва ихчам пармалаш ускуналарини қўлланиб, кичик диаметрли нуқуқлар казишганда ҳамма тан берган. Бу хушхабар оғиздан-оғизга кўчиб, бутун водийга ёйилган эди. Бу усул қўлланилганда, нуқуқ казиш тезлашар, цемент, сода ва бошқа қоришмалар тежалади. Ёлмос бургуни ҳам биринчи бўлиб Халилов бригадаси синаб кўрган.

Рақамлар тили билан гапирсак, бунга сиз ҳам қаноат қосил қилесиз. Халилов бригадаси ҳар йили ўрта ҳисобда пландан ташқари бир неча юз метр нуқуқ казаларди. Бу казиладиган рақам эмас! Тежалган маблағни кўриб иш қилянди.

Партия ва ҳукуматимиз унинг ҳалол ҳизматларини муносиб тақдирлади, нўксиз олий мунофот — Ленин ордени тақиб қўйди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ЯККАБОҒЛИКЛАР АҲДИ

РЕПОРТАЖ

Мана, бир неча кундирки Яккабоғ район, «Қизил юлдуз» колхозидаги мактабларда электр қўнғироқлари жиринглямай д и. Ўқувчилар соя-салқин боғларда зилол кўл ва шўх оқар сойлар қирғоғида дам олишмоқда, ўлкамиз бўйлаб саёҳатларда юришибди.

Яккабоғликлар бу йил мактабларни янги ўқув йилига нмунали тайёрлаш ташаббускори бўлиб, бутун республикага мурожаат қилишди. Бу мурожаатни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Энди аҳдга паймон қилиш керак. Усталарнинг қўли қўлига тегмайди. Прорабларг Мингаш Мақматқулов, Эшбобо Нерқобилов бошчилик қилаётган участкалар, Зикриллс Ўзбеков, Вали Шаниев, Норзулло Хидиров, Хуррам Тиллолов, Боки Жўраев бошлиқ комплекс бригадалар янги мактаблар учун биноларр қуришга киришдилар.

Яккабоғликлар беш йилликнинг ун йилида 12 та янги мактаб қурдилар. Қўшимча равишда 96 та синф хонаси битказилди. 5 та спорт зали, 9 та таълим устахонаси, 4 та мактабгача тарбия муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаблар қурилишига колхозлар катта ҳисса қўшишяпти. Масалан, ҳозир районда давлат бюджети ҳисобига 38 та, колхозлар ҳисобидан эса 46 та синф хонаси қуриляпти. Карл Маркс номли, Бируний номли, Ломоносов номли, Ғафур Ғулом номли колхозлардаги мактаблар, спорт заллари бутунлай колхоз ҳисобига ремонт қилиниб, тўла-тўкис жиҳозланмоқда. Бунинг учун 65 минг сўмлик қўрғамали қуроллар сотиб олинди.

Ҳамма мактаблар электрлаштирилган, газлаштирилган. 33 та мактабда ошхоналар очилди. Болаларга колхозлар ҳисобидан ҳар кун иссиқ овқат пиширнб берилди.

Ремонтчилар ўртасида мактабларни гез, соз ремонт қилиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилди. «Қизил юлдуз» колхозида мактаб учун бино қураётган Вали Ғаниев бошлиқ комплекс бригада бу мусобақада пешкадам. Пастдаги суратда шу бригада аъзолари (чапдан—ўнгга): Бўсмар Боймуродов, Халил Нормаатов, Кўчар Эшназаров, Тиркаш Темиров, Жўра Тўраев, Берди Жонқобилов, Хушвакт Сафоев, Раим Ҳакимов, Баҳри Пирназаров, Берди Жўраев, Ҳусан Мирзаев, бригадир Вали Ғаниев ва Барот Бозоровларни кўриб турибсиз. Ён томондаги суратда эса янги ремонтдан чиққан 4-мактаб-интернатнинг ўқув биноси.

Яккабоғликлар бутун республика олдида қилган аҳдларига паймон қилиш учун янги устахоналар, таълим кабинетлари, пионерлар уйини ҳам тез суръатлар билан қурмоқдалар. Йўлларга асфальт ётқизилмоқда. Мактаблар атрофида янги боғ ва гулзорлар барпо этилмоқда.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Р. Шамсиддинов фотоси.

Сўз—тажрибакорларга

СУВ—МАЛҲАМ

Кўпни кўрган, меҳнатда чиниққан, ишбилармон кекса деҳқонлар «Сувчи — ғўзани яшнатувчи», дейишади. Бунинг боиси бор. Механизаторлар билан бир қаторда сувчи ҳам мўл ҳосилнинг тақдири учун жавобгар. Шунинг учун ҳам сувчи дала кезади, ҳар бир картани, ҳар бир қаторни ва ҳар бир туп ғўзани кўздан кечириб боради.

Биздаги ингичка толали пахта етиштирилади. Колхозимизнинг ер-сув шароити ҳам шунга мос. Шундай бўлишига қарамасдан бу нав пахтанинг ғўзаси кўпроқ меҳнатни, жуда эҳтиёткорликни, айниқса суғоришда ҳушёрликни талаб қилади. Уддабурон, аҳил, меҳнатсевар пахтакорларимиз ҳар йилдагидек ўтган йили ҳам бу талабни бажо келтириб, 1020 гектар ернинг ҳар гектаридан 21 центнердан ингичка толали пахта йиғиштириб олишди. Жўра Ҳайдаров, Аваз Турабов, Тўра Гуллиев, Жўра Розиқов, Ғазам Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик бир йилда 5-6 центнердан ошди.

Бу йилги маррамиз ўтган йилдагидан ҳам улкан. Деҳқонларимиз ҳар гектар ердан қамида 25 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Жаббор Мустоев, Бодом Олимова, Мадад Қаршиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари катта-катта майдоннинг ҳар гектаридан 27-28 центнердан хирмон кўтаришга сўз беришган.

Ҳозирги пайтда мўл ҳосил тақдирини асосан сув ҳал қилади. Лекин бизнинг шароитимизда сув анча танқис, колхозимизга сув узоқдан оқиб келади. Сувнинг бир қисми ариқларга сингиб кетади, бир қисми эса буғланади. Шу тариқа каналнинг бошидан оқизилган сувнинг 30-35 процента йўлда йўқолади. Ҳар бир қатра сувдан ўз ўрнида моҳирлик билан фойдаланилмаса экинни чанқатиб қўйиш, бинобарин, ҳосилни қўлдан бой бериш мумкин. Бунинг олдини олиш учун ер сув билан мумкин қадар нўпроқ майдондаги экинни қондириб суғоришга тўғри келади. Шу мақсадда биз ғўзани группа усулида суғорямиз. Бригадаларга берилган сув олдин бир майдондаги ғўзага тараляпти. Сўнгра унинг ёнидаги ғўваси чанқаган картага ўтказилади.

Ғўза ўсган ва ривожланган, ҳосил шохлари ортган сари сувчилар сони кўпайтириб борилянти. Шундай қилинмаса оз сув билан кўп майдондаги ғўзани вақтида қондириб суғоришга улгуриб бўлмайди. Колхозимиз правленнеси шуни эътиборга олиб, ҳозир 150 дан ортиқ колхозчини ғўзага сув тараш учун ажратди. Сувчиларимиз бир-бирининг ишини назорат қилиб боришяпти, тажрибаларни баҳам кўришяпти, камчиликларни бригадада тузатишиб боришяпти. Улар экинининг чанқаган-чанқамаганлигини ўзлари аниқлашади. Бунинг учун сувчилар ҳар жой, ҳар жойдан бир қисм тупроқ олиб ерга ташлайди. Ерга ташланган бу тупроқ сочилиб кетса экин чанқай бошлаган ҳисобланади. Агар тўп бўлиб тушса суғоришга бир-икки кун борлигидан далолат беради. Тупроқ 8-10 сантиметр чуқурликдан олинади.

Суғоришнинг тўғри ўтказилиши кўп жиҳатдан эгатларнинг олинишига боғлиқдир. Эгатлар қийғир-қийшиқ, пастбаланд бўлиб қолса, сув тупроққа бир текис таралмайди. Сувчиларнинг иши анча мураккаблашади. Меҳнат ортиқча сарфланади. Бунга йўл қўймаслик мақсадида биз, сувчилар ўзимиз сув тарайдиган карталардаги ғўзани культивация қилаётган механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Уларнинг ишини доим кузатиб боряпмиз.

Эгатларни далаларнинг пастбаландлигига, қия текислигига қараб узун-калта қилиб олиш ҳам суғоришни тўғри ўтказишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз текис карталарга сувни 200-220 метр узунликда чуқур олинган эгатлардан оқизмоқдамиз. Тупроғи сувни секин сингдирадиган ва қия карталарда эгатларни бир неча жойдан бўғиб суғоряпмиз.

Ваъдамиз катта. Ваъдага яраша мўл ҳосил етиштирилишига эришиш шу кунлардаги ишимизга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам барча далага отланган. Ҳар бир пахтакор ўзига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажаряпти. Биз, сувчилар ғўзаларимизнинг тез ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

Н. ХЎЖАМОВ, Э. ҚАРШИЕВ, И. КАРИМОВ, Х. ХИДИРОВ, Ч. РАҲИМОВ Қашқадарё область, Қарши районидаги Карл Маркс номли колхознинг сувчилари.

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

ВЬЕТНАМ ИШЧИСИНИНГ ҚУВОНЧИ

Хитой бузғунчиларининг янги бебошликлари

БМТ Бош секретари Исроил ҳаракатларини қораламоқда

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МОСКВАДАГИ ХХР ЭЛЧИХОНАСИГА НОТАСИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикасининг элчихонасига қуйидагиларни билдиради:

Шу йил 8 июль куни соат 10 дан 30 минут ўтганда қуролланган бир группа хитойлар СССР давлат чегарасини бузиб ва Амур дарёсидаги Гольдинский оролининг совет қисмига ёпирилиб олиб, совет дарёчи-йўлчиларига автоматлардан ўт очди. Совет дарёчи-йўлчилари одатда илгари ҳам қилинганидек, навигация белгиларини ремонт қилмоқ учун мазкур оролга борган эдилар. Ҳужум қилганлар гранатометлар ва қўл граналаталари ҳам ишлатдилар.

Қуролсиз совет дарёчиларининг ўзларининг хизмат бурчларини ўтаб турган пайтда уларга қилинган ана шу беҳисобчилик ҳужуми натижасида улардан бир киши ўлди ва уч киши ярадор бўлди. «Дрозд» ва «Турпан» йўлдарё катерлари жиддий шикастланди.

Совет дарёчи-йўлчилари Гольдинский оролида чегарадаги Амур, Уссурий, Аргунь, Сунгача дарёларида ва Ханка кўлида сузиш тўғрисидаги ҳамда ана шу сув йўлларида кемалар қатнай оладиган ҳолатни ўрнатиш ҳақидаги 1951 йилги Совет-Хитой битимига тамомила мувофиқ равишда ҳаракат қилдилар. Шу оролдаги навигация белгиларини совет томони ўрнатганлиги, уларга ҳамиша хизмат қилиб келганлиги ва хизмат қилаётганлиги Хитой томонига маълум.

Шу йил 8 июлда совет дарёчиларига бесқинчиларча қилинган мазкур ҳужум СССР билан ХХР ўртасидаги дарёларнинг чегара участкаларидаги вазиятни кескинлаштиришга қаратилган ва қасддан қилинган ғиж-тарликдир. Хабаровск шаҳрида кема қатновига бағишланган аралаш Совет-Хитой комиссиясининг 15-кенгаши ўз ишини давом эттириб турган бир пайтда Хитой маъмурлари ана шундай ғоят бемаъни ҳаракат қилдилар. Ғиж-тарликлар уюштириш билан Хитой томони Амур дарёсида ва бошқа дарёларнинг чегара қисмларида ҳар иккала давлат кемаларининг хавф-хатарсиз қатновини таъминлаш мақсадида комиссиянинг баҳамжиҳат бир қарорга келишини бардош қилишга жўрттага уринмоқда.

Шу йил 8 июль куни Хитой маъмурлари томонидан совет дарёчиларига қарши уюштирилган қуролли ҳужум душманлик иши бўлиб, СССР билан ХХР ўртасидаги чегарада Хитой томони қилаётган ғиж-тарликлар ҳаракатларинг давомидир. Ана шу ҳаракатлар учун жавобгарлик батамом Хитой ҳукумати зиммасига тушади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой маъмурларининг Гольдинский оролидаги қуролли ғиж-тарликни муносабати билан кескин норозилик билдиради, айбдор кишиларни жазолашни ва бундай ҳаракатларнинг такрорланмаслиги учун дарҳол чоралар кўришни ХХР ҳукуматидан талаб қилади.

Совет томони ўзининг қонуний ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Хитой маъмурларининг СССР давлат чегарасини бузишга қаратилган ҳамда совет гражданларининг хавфсизлиги ва ҳаётига хатар солаётган ҳаракатларига қарши қўшимча чоралар кўришга мажбурдир.

МОСКВА, 1969 йил 8 июль.

Оламда НИМА ГАП

ТХУАННИНГ ЎЙЛАРИ

Жанубий Вьетнам Республикасида Муваққат революцион ҳукумат тузилганлиги тўғрисидаги хушхабар Шимолий Вьетнамда эзгу қувонч билан қутиб олинди. Ҳозир Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган митинг ҳамда йиғилишларда сўзга чиқаётган меҳнаткашлар яқингинада Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати тузилганини тўла равишда қўллаб-қувватлаётганликларини баён этмоқдалар.

АПНнинг Ханойда нашр этилаётган «Льенсо» («Советлар мамлакати») журналининг редактори сифатида мен пойтахт «Тьенбо» босмахонасида тез-тез бўлиб тураман. Бу ерда кўпгина ишчилар ва техниклар билан таниш-билиш қолганман.

Босмахона коллективи эзгу ишжоат билан меҳнат қилмоқда. Буюртмалар кўп. Ишчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Жанубий Вьетнам Республикаси тузилган кун шарафига «Вьетнам Демократик Республикасини индустриалштириш ва бу даврда қишлоқ хўжалигининг роли» брошюрасининг уч миллион нусхасини муддатидан уч кун илгари босиб чиқариш билан нишонлаш учун қурашмоқдалар. Бор-йўғи уч кун. Ўруш туфайли юздан чиқарилган халқ хўжалигини қайта тиклашдек муҳим вазифалар турган республика учун бу уч кун ҳам катта гап.

Босмахонада Жанубий вьетнамликлардан ҳам ажойибмас ишлайди. Улардан биттаси ҳақида гапириб бермоқчиман. Нгуен Ван Тхуан 33 ёшда. Фотоцехда мастер бўлиб ишлайди. У Вьетнамнинг жанубида деҳқон оиласида туғилган. Тхуаннинг ёшлик йилларя француз мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш йилларига тўғри келди. Унинг отаси актив подпольечилардан эди. Оилалари — онаси билан отга бола чанг-зоорда яшашари. 13 ёшли Тхуан босмахонада қарф терувчи бўлиб ишлади. Бу ерда ватанпарварлик Ватанни озод қилиш учун курашга чорловчи варақалар нашр этилади. Дьенбьенф яқинидаги ғалаба ва Женева битими имзолангандан кейин янги ҳаёт қурилишига ўзининг меҳнати билан ҳисса қўшмоқчи бўлган Тхуан Шимолга ўтишга аҳд қилди. Бу ҳайтда «Тьенбо» босмахонаси ГДРдан янги ускуналар олган эди. Тхуан буларни тезда ўзлаштириб олиш учун кўп ишлади. Ҳозирги кунда мастер коллектив ўртасида обрў қозонган.

Тхуан билан цехда учрашдим. Овқат пайтигача ҳали 15 минут вақт бор экан, шунинг учун биз бемалол суҳбатлаша олдик.

— Бундан бир неча ой илгари,— дея ҳикоя қилади у,— жонажон вилоятимда халқ ҳокимияти ўрнатилганлигини эшитиб қолдим. Бу қувончли хушхабар эди! Биз жанубдаги воқеаларни ҳаяжон билан кузатиб турибмиз. Хатлар оқимининг чеки йўқ, улар одовли ердан келиб турибди. Тўғри, жанубликларнинг кўпчилиги хат олишолмайди. Мана бир неча йилдан бери мен ҳам қариндошларимдан хат-хабар олмайман. Бизда шундай одат бор: Ватандан келган ҳар бир хатни умумий ҳисоблаб, уни барчамиз биргалашиб ўқиймиз.

— Жанубий Вьетнам Республикаси тузилганлиги тўғрисидаги хабар бизларни қанчалар хурсанд қилганлигини гапирмасам ҳам бўлади,— деб сўзини давом эттирди Тхуан. Бу Жанубий вьетнамлик ватанпарварларнинг ғалабаси, бутун халқимизнинг ғалабасидир. Душманлар билан бўлган оғир курашларда Жанубнинг бир қанча энг яхши ўғил ва қизлари ҳалок бўлишди. Эҳтимол, ана шу қурбон бўлганлар орасида менинг ҳам қариндош-уруғларим бўлиши мумкин. Лекин шуни яхши биламизки, тўкилган қонлар зое кетмади. Мана яқингинада ташкил этилган Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати халқимизнинг ватании жонбозлик билан ҳимоя қилишнинг натижасидир.

Вьетнам меҳнаткашлари Советлар мамлакатига айниқса ҳурмат билан қарамоқдалар. Қаршилик кўрсатиш йилларидаёқ совет халқининг бизлар томонимизда экилгини билар эдик. Совет кишиси бизга мардлик, мустаҳкамлик, ватанга садоқатли бўлишда намуна бўлди. Болалик йилларимизда Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романининг қаҳрамони Павел Корчагин образидан ҳайратланардик. Қардош мамлакатлардаги дўстларимиз ҳам агрессорлар билан олиб борган оғир курашимизда қимматли ёрдам беришди ва ёрдам беришмоқда.

— Халқимиз қўлга киритган ғалабада Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакат халқларининг ҳам катта ҳиссаси бор,— деди Тхуан пировардида. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Советлар мамлакати деб таниишидан янги жанговар пролетар ҳамкорлик вужудга келаётганини кўриб турибмиз.

Нгуен Ван Тхуан шундай деб ўйлайди. Унинг Шимолий ва Жанубий Вьетнамдаги курашаётган миллионларча замондошлари ҳам бугун худди шундай деб ўйлаётгандир.

Б. ШУМЕЕВ,
АПН махсус мухбири.
Ханой.

У ТАННИНГ ЧАҚИРИҒИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Яқин Шарқдаги бир-бирига душман томонларга мурожаат қилиб, «Яқин Шарқда тинчликни тиклаш юзасидан сарфланаётган ҳозирги куч-ғайратлар барбод бўлишига йўл қўймаслик учун» ўт очишни тўхтатишга чақирди.

У Тан Хавфсизлик Кенгашига йўллаган махсус докладда Суэйш канали зонасидаги ўт очишни тўхтатиш чиқишининг ҳаммаси бўйлаб амалда очиқ уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетганлигини кўрсатди. Ҳозирги тўқнашувлар, дейилади докладда, Яқин Шарқда янада кенгроқ ва интенсив уруш ҳаракатларини бошлаб юбориши мумкин.

Докладдан шу нарса равшанки, Суэйш канали зонасида вазиятни кескинлаштириш учун асосий масъулият Исроил зиммасига тушади. У БАР территориясини оккупация қилиб туришда давом этмоқда ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясини бажаришдан қаттиқ тийб бўйин товламоқда.

БМТ Бош секретари Хавфсизлик Кенгаши аъзоларини ҳамда БМТга аъзо бўлган барча давлатларни Яқин Шарқда тинчликни таъминлаш юзасидан куч-ғайратларни муваффақият билан поёнига етказишда ёрдам беришларига чақирди.

БОЛГАРИЯГА ВИЗИТ

СОФИЯ, 8 июль. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария ҳукуматининг таклифига биноан Венгрия партия—ҳукумат делегацияси бугун расмий дўстлик визити билан бу ерга келди. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар делегацияга бошчилик қилади.

Венгрия партия—ҳукумат делегацияси Болгария партия — ҳукумат делегацияси билан музокаралар олиб боради ва Венгрия билан Болгария ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги шартномани имзолайди.

БАРЛИК МЕҲМОНЛАР САМАРҚАНДДА

Совет Иттифоқи бўйлаб сафарга чиқиб Бирлашган Араб Республикасининг Олий таълим министри Абдил Ваҳоб Ал-Бороласи ва Бирлашган Араб Республикаси Олий таълим министрининг ўринбосари Мустафо Камол Толба 8 июлда Самарқандга келишди. Улар қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар ва Самарқанд Давлат университетини бориб кўрдилар.

БАРлик меҳмонлар шу куниёқ Самарқанддан Москвага жўнаб кетишди.

(ЎзТАГ).

МОСКВА КЕНГАШИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КОПЕНГАГЕН, (ТАСС). Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ижроия комитети 2 июлдаги мажлисида Москва Кенгаши ишларининг якунларини қараб чиқди. Ижроия комитет қабул қилган резолюцияда бундай дейилади: Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари жаҳон коммунистик ҳаракатининг катта ютуғи бўлди.

«Ланд от фольк» газетасида эълон қилинган резолюцияда Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ижроия комитети, Дания Компартияси делегациясининг кенгашдаги фаолиятини маъқуллайди, дейилади.

«Халқаро Кенгаш, — деб таъкидлаб ўтилади резолюцияда, — жаҳон коммунистик ҳаракати ҳал қилувчи сиёсий куч — замонамиздаги энг йирик сиёсий ҳаракат бўлиб қолаётганлигидан далолат беради. Бу Кенгаш коммунистларни янги ва қатъий курашга илҳомлантиради».

Дания Коммунистия партияси Марказий Комитетининг ижроия комитети Данилдаги барча коммунистларни коммунистик ва ишчи партияларинг Москвада ўтказилган халқаро Кенгаши материалларини ўрганишга ва бу материаллар билан кенг танишиб чиқишга даъват этади.

ИМПЕРИАЛИЗМНИНГ РЕЖАЛАРИНИ БАРБОД ЭТИШ КЕРАК

НИКОЗИЯ, (ТАСС). НАТО доиралари Кипр халқи ва унинг ҳукуматидан ёпириб Америка империализми илҳомлантираётган режаларни муҳокама қилмоқдалар. Бу режалар оролни Греция билан Туркия ўртасида бўлиб олишга қаратилган. Империалистлар Кипрни НАТОнинг мустаҳкам қалъасига айлантириб, ана шу ороллари ўз назоратига олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари Э. Папаиоанну шу тўғрида гапирди. «Харавги» газетасининг хабар беришича, Э. Папаиоанну Кипрнинг Дали қишлоғида ўтказилган митингда нутқ сўзлаган. Кипр халқи, деб таъкидлади Э. Папаиоанну, империализмнинг ана шу режаларини барбод этишга қатъий қарор бергандир. «Биз империалистларнинг Кипр ички ишларига аралашувига чек қўйилган пайтда Кипр халқи ўз проблемаларини тинч йўл билан ва демократик асосда ҳал этиш йўлини топа олишга аминмиз».

«ХАЛЬШТЕЙН ДОКТРИНАСИ»ГА ҚАРШИ

БОНН, (ТАСС). Жамоатчилик фикрини ўрганувчи институтнинг маълумотларига қараганда, ғарбий Германияда берилган саволларга жавоб қайтарган кишиларнинг 73 процентиси сийқаси чиқиб қолган «Хальштейн доктринаси»га қарши чиққан ва 12 процентигина ҳали ҳам «совуқ уруш» сиёсатини давом эттириш тарафдоридир. «Бильд—цайтунг» газетаси бугунги сонида шу маълумотларни босиб чиқарди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ВИТАМИН ВА ҲАВО

ОЛТОЙ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ биохимия кафедрасининг ходимлари С витаминининг мева ва сабзавотни тез пиширишдаги таъсирини синаб кўришди. Маълумки, бир хил навдаги бир хил дарахтларда, ҳатто бир шохнинг ўзидаги меваларда ҳам С витамини ҳар хил миқдорда бўлади. Олимлар мевада С витамининг тўпланишида ҳавонинг таъсири борлигини аниқладилар. С витамини кўпроқ бўлган мева, ўсимлик нурланиб туради. Масалан, олманинг юқори шохларидаги мевасида витамин кўп бўлади. Шу сабабли юқори шохлардаги мева пастки шохлардагига қараганда ялтироқ, нурли бўлади.

САРИҚ РАНГ

САРИҚ РАНГ кўзга энг узоқ жойлардан ҳам жуда тез ташланади. Масалан, 4 минг 200 метр узоқликда бирор бир рангдаги нарсани кўриш қийин. Сариқ рангга бўялган нарса эса 4 минг метрдан узоқда бўлса ҳам аниқ кўринади. Шу сабабли дунёдаги бир қатор мамлакатларда болаларни ва беморларни ташийдиган машиналарни сариқ рангга бўяшмоқда. Бизнинг мамлакатимизда йўл ходимларининг ҳаммасига сариқ ранг матодан махсус кийимлар тикиб берилмоқда. Бу бахтсиз ҳодисаларнинг камайишига ёрдам беради.

ҚОҒОЗ... КИЙИМЛАР

30 ИЙЛДАН КЕЙИН Швециядаги ҳар бир оилада қоғоз чойшаб, сочиқ, парда, дастурхон, ламповаид ва бошқа рўзғор буюмлари бўлади деб ёзади «Сундсвалл» журнали.

Ўтгиз йил эмас, ҳозирнинг ўзидаёқ Швециядаги жуда кўп кишилар қоғоздан тикилган яктак, қалпоқ, ички кийимлар кийишмоқда. Ҳар йили чақалоқларнинг ўзигагина 20 минг тоннага яқин қоғоз йўргаклар сотилмоқда.

Редактор ўринбосари:
Х. ЕДГОРОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Коммунизм» колхозида янги болалар комбинати ишга тушди. Колхозчиларнинг 150 га яқин фарзанди бу тарбия ўчогида мириқиб дам олмоқда. Суратда тарбиячи Раҳима АБДУКАРИМОВА ва комбинатнинг жажжи хўжайинларини кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИГА

Тўрт ҳафтадан кейин, 9 август — физкультурачилар байрами куни Москвада, В. И. Ленин номли марказий стадионда мамлакат касаба союзларининг IX Бутуниттифоқ спартакиадаси тантаналы очилади. Навбатдаги бу анъанавий ёзги спартакиадага тайёргарлик баҳор ойларида бошланган эди. Ҳозирги кунда барча республика, ўлка ва округлар спартакиадаси мусобақалари асосан якунланди. Бунда финал мусобақаларида иштирок этиш ва синовдан шараф билан ўтиш иштиёқида ёнган миллионлаб физкультурачилар ўзаро куч синашдилар.

Финал мусобақалари спортнинг 26 туридан, шундан акробатика, нафис ва спорт гимнастикаси, енгил атлетика, сузиш, стол тенниси, қиличбозлик, овчилик ва спорт отиши, замонавий бешкураш ҳамда велоспорт бўйича Москвада ўтказилади. Спортнинг қолган 15 тури бўйича финалчилар юқори ўринларни қўлга киритиш учун Ленинград, Минск, Рига, Киев, Тбилиси, Ростов-Дон, Каунас, Псков ва Ульяновск шаҳарларида курашадилар.

Ўзбекистон касаба союзларининг VI спартакиадаси мусобақалари ҳам муваффақиятли якунланди. Бунда учала босқич мусобақаларида қариб 2160 га яқин физкультура ташкилотларидан 600 мингдан зиёд, ҳал қилувчи финал мусобақаларида 2260 физкультурачи — ишчи, хизматчи, колхозчи ва студент ёшлар иштирок этдилар. Республика спартакиадасининг спортчиларимиз учун Бутуниттифоқ мусобақаси олдидан ўтказилган эўр синов бўлди, деса бўлади: 60 СССР спорт мастери, 90 мастерликка номзод, 480 биринчи разряд, шунингдек 32,5 мингдан зиёд 2-3 ёшлар разряди нормативлари бажарилди. Финал мусобақаси вақтида 6 та республика рекордлари ўрнатилди.

Республика спартакиадаси голибларидан иборат, кучларининг кучини ҳисоблаган спортчилардан тузилган терма командамиз 550 дан ортиқ кишини ўзига бирлаштирди. Улар, шу кунларда группаларга бўлинган ҳолда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда тажрибали тренерлар раҳбарлигида ўқув-машқ ишларини бошлаб юборишдилар. Шунисқ қизиқарлиги Бутуниттифоқ финалида республикамизнинг кўзга кўринган спортчиларидан, волейбол бўйича XIX олимпиада чемпиони Вера Галушка («Спартак»), моҳир сузувчилар Светлана Бабанина («Спартак»), Сергей Конов («Меҳнат»), кучли велосипедчи Геннадий Шаманаев ва бошқалар иштирок этадилар.

Мақсад, бу йилнинг энг катта мусобақаси ҳисоблаганлар, миллионлар старти деб ном олган, улуғ сана — доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига бағишланиб ўтказиладиган касаба союзларининг Бутуниттифоқ IX спартакиадасида юқори натижаларни қўлга киритишдир.

А. НАБИЕВ,
Республика касаба союзи Совети жисмоний тарбия бўлимининг инструктори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Романслар, 10.30 — Туркман сюитаси, 11.15 — Халқаро темаларда суҳбат. 11.30 — Топишмоқли концерт. 13.30 — Рақс куйлари, 15.15 — Э. Хемингуэй. «Френсис Макомбериннг ўлими», 16.10 — «Ш. Алекперова куйлайди» (концерт-очерк), 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Симфония куйлар, 18.00 — «Саратовликлар усулида», 18.10 — Концерт, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.30—Концерт (ёшлар учун), 21.00 — «Коммунистик ҳаракат—ҳозирги даврнинг энг муҳим таъсирчан сиёсий кучи» (суҳбат), 21.15 — Концерт (пахта далалари меҳнаткашлари учун), 22.20 — «Ойниса» балетидан рақслар, 22.40 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. К. Федин. «Доҳий сурати», 23.15 — Мақом кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.50 — Никита қоғоз кема (болалар учун кинофильм), 19.05 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.15 — Мирмуҳсин шеърлари, 19.25 — Ишчи — фахрли ном (телепрограмма), 20.00 — Дийдор («Ёш гвардия» драма театридан олиб кўрсатилади), танаффус вақтида телеянгиликлар, 22.20 — Совет киносига 50 йил (В. Меркурьев ижодига бағишланган киноэшиттириш, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.
18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.
19.55 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Телефильм (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.30 — Жаҳонга янграган куйлар (фильм-концерт), 21.10 — Тандем (телефильм), 21.35 — Георгий нишони кавалери (бадиий телефильм), 22.05 — Куйла, булбул! (фильм-концерт).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VII да Ўғил уйлантириш, 11/VII да Ёшлинда берган кўнгил (ёзги бинода).

ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА — Оғаҳий номидаги Ҳоразм область театрининг гастроллари — 10/VII да Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли. «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Минг иконнятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Серафим Фролов севгиси—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ялангоч Маха — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Аввал сен ур, Фреди! — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Минг иконнятдан бири — «ХИВА».

Ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган қотиллик — НАВОИЙ номли.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

микробиология мутахассислиги бўйича (кундузги ва сиртқи бўлимга бир ўринлик)

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни топшириш муддати — 1969 йил 25 июлгача.

Адреси: Тошкент шаҳри, Жданов кўчаси, 93-уй.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ

Кексалар учун умумий жисмоний тарбия бўйича «САЛОМАТЛИК» ГРУППАСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтада уч марта кеч соат 7 да врач назоратида ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Социализм кўчаси, 23-уй.

АНГРЕН 3-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1969-70 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесарь-монтажчи, электр-газ пайвандчилар, 3 класс парма уста—шофёрлари, экскаваторлар машинистлари, механизмлар ва шахта машиналари машинистлари, кон қазилмалари проходчилари.

Билим юртига 8—11 синф ҳажмида маълумоти бор, 16 ярим ёшдан—25 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 2 йилгача.

Бошқа жойдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртига кириш имтиҳонсиз қабул қилинади.

Яхши ўзлаштирувчиларга ойига 36 сўм стипендия тўланади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ангрен шаҳри, Жданов кўчаси, 40 уй, телефон 1-29.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 1-СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ ТРЕСТИ

экскаватор машинистлари тайёрлайдиган 3 ОЙЛИК КУНДУЗГИ КУРСГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бульдозерчи - машинистлар тайёрлайдиган курсда ўқиш муддати 2 ой.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 49-уй.

Ўзбекистон ССР Прокуратураси коллективи Наманган область Чуст райони прокурори М. Мирҳакимова отаси

Усмон МИРҲАКИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, маданиёт ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347 Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация—334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 3381 42. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42 - 62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 84—55.

№ Б. — 159. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01539.